Ватанни севмак иймондандур!


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 23 октябрь, шанба № 196—197 (21.548). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Вильфред Талвицни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан жаҳон банки ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ривожланиб бораётгани хусусида сўзлади. Бу нуфузли жамғарманинг республикадаги иқтисодий ислоҳотларни маблағ ва техник ёрдам билан қўллаб-қувватланаётганини юқори баҳолади. Жаҳон банки билан Ўзбекистон ўртасида 1992 йилнинг сентябридан бошланган ҳамкорлик алоқалари равнақ топаверади, деб ишонч билдирди. Орол денгизи бўйидаги аҳвол билан танишиб, ташвиш билдиргани учун Талвиц жанобларига ташаккур айтди.

Меҳмон самимий қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этар экан, имзоланган дастлабки ҳужжат ўзаро ҳамкорликнинг ибтидоси эканини таъкидлади. Залворли иқтисодий ўзгаришлар йўлини тутган Ўзбекистонга бизнинг банкимиз ҳалол ва адолатли шерик бўла олишига ишончим комил, — деди Вильфред Талвиц суҳбат ниҳоясида.

Учрашувда, шунингдек, жаҳон банкининг Марказий Осиё давлатлари бўйича бўлим раҳбари Қодир Танжи Юрукўғли, банкнинг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Парвез Ҳасан ҳам иштирок этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов ва молия вазири Эркин Боқибоев ҳозир бўлдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1992 ВА 1993 ЙИЛ ҲОСИЛИДАН ОЛИНГАН ПАХТА ТОЛАСИНИ СОТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги хўжаликлар тасарруфида қолдираётган пахта толаси ва бошқа маҳсулотларни сотиш уюшмалари маҳсулотларни бошма-бош алмаштириш (мавоза) жараёнида пахта толасидан ишнинг кўзини билмай фойдаланиш ҳолларига жуда кўп марта йўл қўйганликларини қайд этади. Унча аҳамиятли бўлмаган моллар ва ресурсларга алмаштириш учун пахта толаси жўнатилмоқда, айирбошқилиш тенгма-тенг бўлишига ҳамиша ҳам риоя қилинмаяпти. Нархни камайтириш ва эвазига пора олиш йўли билан суиистеъмол қилиш ҳолларига кўп содир бўлмоқда.

Пахта толаси кўпинча бир неча воситачиларнинг иштирокида ва туманлар ҳамда вилоятлар ҳокимларининг аралашуви билан сотилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси амалга оширилаётган мавоза битимлари самарадорлигини камайтиради, республика халқ хўжалигига иқтисодий зарар, хўжаликларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигига путур етказади.

Пахта толасидан оқилона фойдаланиш ва уни МДҲ мамлакатларидаги истеъмолчиларга сотишда тегишли тартиб ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзшартномасавдо» ва «Ўздавпахтасаноатсот и ш » ҳукуматлараро битимларга мувофиқ етказиб бериладиган пахта толасининг ҳаммасини (чет элга чиқариш ва эркин алмаштириладиган валютага сотиш учун етказиб бериладиган пахта толасидан ташқари) асосан клиринг — нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш асосида сотсин, бунда республикага кундалик зарур молларни, энг аввало озиқ-овқат ва хом ашё келтиришни кўзда тутсин.

2. Хўжаликлар тасарруфида қолдирилган пахта толасининг ҳаммасини хўжаликлар мустақил равишда истеъмолчилар билан тузилган бевосита шартнома негизида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар уюшмалари орқали асосан эркин алмаштириладиган валютага сотишлари белгилаб қўйилсин. Қолган қисми нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ва мавоза шартлари асосида белгиланган тартибда озиқ-овқат ҳамда модий-техника ресурсларига алмаштирилади. Республикадаги истеъмолчилар бундан мустасноди.

3. «Ўздавпахтасаноатсотиш» (ўртоқ Зикриёев), унинг вилоятлардаги бўлинмаларини давлат ресурсидаги ҳамда хўжаликлар тасарруфида қолдириладиган пахта толадан мақсадга мувофиқ фойдаланишни қатъий ҳисобга олсин ва назорат қилиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимликлари хўжаликлар тасарруфида қолдирилаётган толани сотиш чоғида уларнинг манфаатларни камситилишига йўл қўймасинлар, республикага тақчил бўлмаган моллар — моддий ресурсларни келтириш учун пахта толаси ажратиш ҳолларига чек қўйсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилиши учун шахсий масъулият «Ўздавпахтасаноатсотиш» (ўртоқ Зикриёев), «Ўзшартномасавдо» (ўртоқ Шарипов), ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (ўртоқ Рустамбеков) Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси (ўртоқ Желтоухов), «Ўзавтотранс» корпорацияси (ўртоқ Ахметов), божхоналар комитети (ўртоқ Абдуғаниев) зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 21 октябрь.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШОЛИКОРЛАРИГА!

Азиз дўстлар, биродарларим!

Сизларнинг улкан меҳнат зафарингиз — давлатга 215 минг тоннадан ортиқ шоли топшириб, мўлжалдаги режани муддатидан илгари ошириб бажарганингиз ҳақидаги хушхабар барчамизни беҳад мамнун этди.

Боболаримиз ҳар кафт донни эъзозлаб, қишга қазно—омборларини ғаллага тўлдирган деҳқоннинг насибаси бутундир дейишган. Сиз сув кечиб, тер тўкиб уйган бу хирмон халқимизнинг ризқига ризқ, бойлигига бойлик бўлиб қўшилади. Ушбу меҳнат жасоратингиз учун барчангизга самимий миннатдорлигимни билдираман.

Бугунги меҳнат зафарингиз Қорақалпоғистон диёрида тез кунларда ўтказиладиган катта тантаналар — Тошкент шаҳри маданияти кунлари, Тўрткўлнинг 120 йиллик тўйи, шунингдек, мамлакатимиз тарихидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг бир йиллиги умумхалқ байрами арафасида эришилгани билан ҳам ғоят қадрлидир.

Барчангизга Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда муваффақият, хонадонларингизга тинч-тотувлик, бахт-саодат тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 октябрь.

«ТЕАТР: ШАРҚ-ҒАРБ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли театр санъати арбоблари, муҳтарам дўстлар, азиз меҳмонлар!

Мустақил Ўзбекистон тупроғида биринчи марта ўтказилаётган «Театр: Шарқ — Ғарб» халқаро фестивали жаҳон минтақаларининг янгича мулоқоти, маънавият намойиши, руҳият байрамидир.

Қадимдан халқ томошалари кўринишида бўлиб театр сифатида шаклланган бу санъат доим ижтимоий ҳаётга таъсир ўтказиб келган. Инсон турли чегаралар қуради, аммо санъат сарҳад билмайди: ғарбу шарқда ҳам, шимолу жанубда ҳам у инсон ҳаёти манзараларини намойиш этаверади. Санъатнинг мантиқи ҳам чегарасиздир. Ушбу анжуман турли минтақалар маданиятининг кўрки бўлиб, инсонни покланишга чақиради, эзгуликка руҳлантиради, баракали фаолиятга чорлайди деб умид қиламан.

Тангри таоло меҳр нурини ёғдирган озод Ўзбекистонга — меҳр-муҳаббат диёрига хуш келибсиз, азиз дўстлар! Сиз театр саҳнаси санъаткорларини, жаҳон саҳнасида қадимдан ўз мавқеига эга бўлган софдил, санъатсевар халқимиз номидан чин кўнгилдан муборакбод этаман!

Анжуманингиз қутлуғ бўлсин!

Эҳтиром билан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

ИМОМ ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ МАСЖИДИНИ ТАЪМИРЛАШ ЮЗАСИДАН ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲА УЧУН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ЯКУНИ ВА «ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ҲАЁТИ ВА ДАВРИ» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Бугун кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида иш бошлаган анжуманингиз Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида тарихий воқеадир. Ўтказилган халқаро танлов якунлари ва, алалхусус, халқаро анжуман, шубҳасиз, қадриятларимизни тиклаш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимизнинг узвий қисмидир.

Диёримиз ўғлони халқимизнинг муносиб фарзанди, буюк муҳаддис олим — Имом Исмоил ал-Бухорий мақбарасини ва масжидини таъмирлаш ғоят улуғ ва шарафли ишдир!

Ўзбекистонда туғилиб вояга етган алломаларимиз ҳадис илмини ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан жаҳонга танилган, ислом динининг бешиги — Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара аҳлининг, дин пешволари ва олимларининг таҳсинига сазовор бўлган.

Шу кунларда улуғ бобомиз руҳини шод этиш, ҳаёти ва илмий меросини тарғиб қилиш борасида ўтказилаётган тадбирлар имом Исмоил ал-Бухорий номи ва асарлари асрлар оша барҳаётлигидан далолатдир.

Сизлар бошлаган ва амалга оширадиган ишлар натижасида алломамиз мақбараси келажакда ислом аҳли учун муқаддас қадамжо ва жаҳондаги ғоят гўзал зиёратгоҳлардан бирига айланишига ишончим комил.

Анжуманингиз ишига ривож, иштирокчиларига сиҳат-саломатлик ва илмий изланишларида муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

● ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов хизмат сафари билан Наманганга келди. У дастлаб Учқўрғон шаҳар меҳнаткашлари вакиллари, ташкилот муассасалари раҳбарлари, партия фаоллари билан учрашди. Учрашувда М. Расулов ХДП фаолияти, республика Президенти Ислом Каримов олиб бораётган сиёсат, унинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи ва бир қатор рисолаларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида ахборот берди. Партия ташкилотларининг пахта йиғим-теримидаги иштирокини кучайтириш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди.

Ўз сафларида 3 минг кишидан кўпроқ аъзони бирлаштирган Учқўрғон партия ташкилоти ҳақида илиқ гаплар айтилди. М. Расулов бир гуруҳ партия аъзоларига партия билетларини тантанали равишда топширди.

Вилоят партия фаоллари билан учрашувда М. Расулов ХДПнинг икки йиллик фаолияти ҳақида тўхталиб, унинг обрўси учун курашиш шу кунинг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлади. Бунинг учун ташвиқот, тарғибот ишларини кучайтириш, аҳоли истиқомат жойларида тез-тез учрашувлар ўтказиб туриш, эл хизматига камарбаста бўлиш керак.

М. Расулов Норин, Уйчи, Тўрақўрғон, Задарё, Поп туманлари пахтакорлари, партия фаоллари ҳузурида бўлиб, самимий учрашувлар ўтказди. Унинг қатнашчиларининг саволларига жавоблар қайтарди.

Сафар чоғида М. Расуловга ХДП Наманган вилояти кенгаши биринчи котиби А. Фаёзов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Отахоновлар ҳамроҳлик қилдилар.

Фарҳод ИУЛЧИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУХОРО ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Азиз дўстлар, биродарлар!

Сизларни эришган улкан меҳнат ютуғингиз — мустақил Ватанимиз хирмонига 360 минг тоннадан ортиқ пахта топшириб, йиллик маррани мамлакатда биринчилар қатори забт этганингиз билан чин юракдан самимий табриклайман!

Бухоро воҳаси пахтакорларининг бу ютуғи мамлакатимиз куч-қудратини оширишга, эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қилишга қўшилган салмоқли улушдир. Бу катта ютуққа муносиб ҳиссаларини қўшган барча бухоролик меҳнаткашларга астойдил миннатдорлик билдираман.

Қадимий ва навқирон Бухорода қадриятларимизнинг тикланиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилаётган улкан муваффақиятлар улуғ аллома Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлаган «Дил ба ёру даст ба кор» — пурҳикмат йўриғининг амалдаги саодатли неъматидир. Умид қиламанки, вилоят меҳнат аҳли халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритади.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, осуда ҳаёт, ишларингизга қут-барака, онлаларингизга тотувлик, дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилайман. Истиқлолимиз истиқболи йўлида барчангизга зафар ҳамиша ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 октябрь.

ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТГА ҲИССА

Дамир ЕДГОРОВ,
Бухоро вилоят ҳокими

Бу йил эрта баҳорданоқ вилоятимизда меҳнат аҳли зўр ғайрат билан ишга киришган эдилар. Мақсад—давлатга пахта топшириш режаларини мамлакатда биринчилар қатори адо этиш эди. Натижа ёмон бўлгани йўқ. Муддатидан анча барвақт — режа бажарилди. Эл хирмонига 360 минг тоннадан ортиқ сифатли «оқ олтин» тўкилди. Ҳар гектар майдондан қарийб 30 центнердан ҳосил олишга эришилди. «Зангори кема»лар бункерларидан 32 минг тоннадан зиёдроқ пахта тўкилди.

Эришилган ютуқларда Олот, Ғиждувон, Бухоро, Пешку, Косон ва Қоракўл туманлари заршуносларининг ҳиссалари салмоқли бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Олот, Когон, Ромитан туманлари пахтакорлари ҳосилни техника ёрдамида йиғиштириб олишда алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Олот туманидаги «Олот» давлат хўжалигидан Б. Қиличев, Қоровулбозор туманидаги 1-давлат хўжалигидан Ж. Муҳиддинов, Қоракўл туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан А. Эргашев, Шофиркон туманидаги Ш. Рашидов номли жамоа хўжалигидан Қ. Усмонов ва бошқа дала даргалари машиналарда 120—150 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

Йиғим-теримни қисқа фурсатда амалга оширишда кўпмингкилограммчилар ҳаракати қўл келди. Олот туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигидан М. Саломова, Пешку туманидаги «Боғимусо» жамоа хўжалигидан Ф. Раззоқова сингари минглаб чеварлар шу кунгача 11—14 тоннадан пахта тердилар. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари ҳам пахтакорларга мададкор бўлишди.

Яратилган хирмонимизга вилоятдаги оила ва ижара пудратчилари ҳам баракали ҳисса қўшдилар. Ғиждувон туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигидан Т. Тешаев, Шофиркон туманидаги Ш. Рашидов номли жамоа хўжалигидан Х. Юнусов, Когон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигидан Ф. Рўзиева ва бошқа юзлаб пудратчилар 45-50 центнерлик маррага эришдилар.

Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Пахтакорларимиз ўз имкониятларини кўриб чиқиб, республика хирмонига яна 40 минг тонна «оқ олтин» тўкиб, ялпи ҳосилни 400 минг тоннага етказишга қарор қилдилар. Ушанда ҳосилдорлик гектар бошига 33 центнердан ошади.

Мустақиллигимизнинг икки йили мобайнида мамлакат раҳбариятининг амалий ёрдами билан Бухорога Самарқандниг зилол ва ширин суви олиб келинди. Юзлаб қишлоқлар ободонлаштирилиб, газлаштирилди. Янги мактаблар, боғчалар, тиббиёт муассасалари, маданий-маиший иншоотлар қад кўтарди.

Яқинда Қоровулбозор туманининг ташкил этилиши ҳам вилоят иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади. Айни пайтда бу ерда қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводи мамлакатимиз иқтисодий қудратига баракали ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Бухороликлар тайёр маҳсулотни хорижга олиб чиқиш соҳасида ҳам амалий қадамлар қўймоқдалар. Ҳозир вилоятда чет эл фирмалари билан ҳамкорликда 13 та кўчма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур меҳнат жамоалари ишлаб чиқараётган кенг истеъмол буюмлари халқ эҳтиёжини қондиришга сафарбар этиляпти.

Бухоро меҳнаткашлари нафақат пахтачилик, балки ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳаларида катта муваффақиятларга эришиб, мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш учун бундан кейин ҳам куч-ғайратларини аямайдилар.

ЖАМОАТ АРБОБИНИ ҚУТЛАШДИ

Кеча Ўзбекистон Фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида таниқли олим ва жамоат арбоби Сулаймон Азимов таваллудининг 85, меҳнат фаолиятининг 65 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби, Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

С. Азимовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси М. Баратов маъруза қилди. Сўнгра Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Сулаймон Азимовга сўз берилди.

Кечада институт бош илмий ходими, фалсафа фанлари доктори О. Файзуллаев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукрулло, республика фалсафа жамияти президенти, фалсафа фанлари доктори С. Шермуҳамедов, жамоат арбоби Ғ. Юсупов, академик И. Ҳамрабоев, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Ғ. Аҳмедов, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий мактаби доценти, подполковник С. Каримов, матбуотни қўллаб-қувватловчи республика жамғармаси раиси, «Ўзбекистон» матбуоти» ойномаси бош муҳаррири З. Есенбоевлар юбилярни самимий қутладилар.

Кеча охирида Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий С. Азимовни табриклаб, йиғилганларни ўз қўшиқлари билан мамнун этди.

Н. ОЛИМЖОНОВ.

ҚАРОРГА ШАРҲ

Республика Президентининг Фармони ва ҳукумат қарорига мувофиқ жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг пахта етиштиришдан манфаатдорлигини ошириш, етиштирилган маҳсулотни сотишда уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва мустақиллигини ошириш мақсадида пахтакор хўжаликларга 1991 йилги ҳосилдан бошлаб уларнинг тасарруфида қолдириладиган пахта толасини мустақил равишда сотиш ҳуқуқи берилган эди.

1991 йилда белгиланган топшириқдаги пахта толасининг 5 фоизи ва топшириққа қўшимча олинган толанинг ҳаммаси хўжаликлар тасарруфида қолдирилди. 1992 йил ҳосилидан эса бу улуш топшириқнинг 15 фоизига қадар оширилди ва топшириққа қўшимча олинган толанинг ҳаммаси хўжаликлар ихтиёрида қолдирилди.

1993 йил ҳосилидан эса тағин ҳам кўпроқ тола — топшириқдаги толанинг 20 фоизи ва топшириққа қўшимча олинган толанинг ҳаммаси хўжаликлар тасарруфида қолади.

Бу чора хўжаликларнинг иқтисодиётига ижобий таъсир қилиб, уларга молиявий масалаларни мустақил ҳал этиш имконини бермоқда, бозор муносабатларини, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

Жамоа ва давлат хўжаликлари тола истеъмолчилари билан бевосита шартнома асосида пахта толасини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларига, ёғоч-тахта, ёнилғи ва бошқа тақчил моддий ресурсларга алмаштирмоқда.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги хўжаликлар тасарруфида қолдириладиган пахта толаси ва бошқа маҳсулотларни сотиш уюшмалари назорат ўрнатмаганлиги оқибатида кейинги пайтда пахта толасини маҳсулотларга самарасиз айирбош қилиш ҳоллари тез-тез учрай бошлади. Хўжаликларга улар жўнатган тола эвазига аҳамияти жиҳатидан иккинчи даражали моллар ва ресурслар етказиб берилмоқда. Тола арзон нархда сотилмоқда, айирбош қилишда тенгликка риоя қилинмаяпти, суиистеъмолларга йўл қўйилмоқда.

Тола сотиш иши билан жуда кўп турли воситачилар шуғуланмоқда.

Бу аҳвол жамоа ва давлат хўжаликларининг, кооперативлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг мустақиллиги ва ташаббусига путур етказади, мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорларнинг аҳамиятини пасайтиради.

Шу муносабат билан юқорида эълон қилинган қарорда қуйидагилар белгилаб қўйилди:

— Ҳукуматлараро битимларга доир пахта толаси (чет элга чиқариш ва эркин айирбош қилинадиган валютага сотиш учун етказиб бериладиган толадан ташқари) фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш негизида республикага энг зарур моллар, энг аввало озиқ-овқат ва хом ашё етказиб бериш эвазига сотилади.

Хўжаликлар тасарруфида қолдириладиган пахта толасининг ҳаммасини улар истеъмолчилар билан тузилган бевосита шартнома асосида шу иш учун махсус тузилган уюшмалар орқали мустақил равишда асосан эркин алмаштириладиган валютага сотадилар. Шунингдек, хўжаликлар толани нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш ва мавоза шартлари билан сотишлари ёки озиқ-овқат ва моддий-техника ресурсларига алмаштиришлари мумкин. Республиканинг ўзидаги истеъмолчиларга пахта толаси сотиш чоғида бу тартиб амал қилмайди.

Умуман, Вазирлар Маҳкамасининг қарори пахта толасини сотишни такомиллаштиришга, бу ишдаги нуқсонларни тугатишга, бундан буён хўжаликлар ўзлари етиштирган маҳсулотдан фойдаланишда уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймасликка қаратилган.

• Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллигига

БИЗ СУЯНГАН ТОҒЛАР

Ҳар қандай ижтимоий тараққиёт босқичида инсон ақл-идрокини буюк силжишларга сафарбар этишда илм-фаннинг, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун ҳам фанга суянган ва унинг илмий салоҳиятига асосланган давлатларнинг истиқболи доимо порлоқ бўлган. Бу жиҳатдан республикамиз ижтимоий-гуманитар фанларининг азалдан ва ҳозиргача ривожланиш диалектикасига ва унга асос бўлган омилларга бир назар ташласак, бу ҳудудда унинг равнақи учун қулай муҳит, объектив шароит ва қатъий зарурият мавжуд эканлигига гувоҳ бўламиз.

Қадим-қадимдан муҳим моддий ва маънавий бойликка эга бўлган заминимиз ажнабий ғаниимларнинг аввалдан то ҳанузгача эътиборини қаратиб келган ва бир неча бор талончилик маконига айланган эди. Лекин маҳаллий аҳоли бундай босқинчилик сиёсати билан ҳеч бир даврда чиқиша олмади ва ўз мустақиллиги учун тинимсиз кураш олиб борди. (Спитамен, Муқанна, Торобий, сарбадорлар қўзғалонлари бунга мисолдир). Шу билан бирга, ўз навбатида вақти-вақти билан ҳудудимиздан чиққан улуғ саркардалар раҳбарлигида бошқа мамлакатларга / ҳарбий юришлар уюштирилган ва бир қанча минтақаларни бирлаштирувчи буюк давлатлар барпо этилган. (Кушон ва Хоразм давлати, Ғанғ, Қорахонийлар, Суғдийлар, Сомонийлар, Темурийлар, Шайбонийлар давлатлари, Бобурийлар империяси ва бошқалар).

Бундай давлатларда йирик иншоотлар, катта-катта шаҳарлар бунёд этилган. Ҳудудимизни бундай ижтимоий-сиёсий майдонга айланганлигига қарамай, бу ерда моддий ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият замон талаблари асосида ривожланиб, жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллаганлиги тарихдан маълум. Ўтмиш даврдаги илм-фан намояндалари табиат ва жамият ҳақида мукаммал, атрофлича билимга эга бўлганлар. Табиий ва аниқ фан соҳаларининг изланишларида ижтимоий ҳаёт ҳодисалари чуқур таҳлил этилган. Умуман, уларнинг изланишларининг ўзи ҳаёт талабларидан келиб чиққан.

Таъкидлаш керак, муҳим ижтимоий муносабатлар нафақат бу соҳанинг соҳиблари томонидан, балки аксарият ҳолларда буюк алломалар ва дин пешволари тарафидан таҳлил этилган. Булар қаторига адабиётимизда маълум бўлган Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Марғилоний, Ал-Фаробий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Навоий, Лутфий, Бобур, Нодирабегим ва ҳозиргача илмий мероси чуқур таҳлил қилинмаган, аммо маънавият оламида теран из қолдирган Юсуф Ҳамадоний, Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Сўфи Оллоёр, Камолиддин Хўжандий, Занги ота, Абулғозий Баҳодирхон, Хўжа Аҳрор, Турди Фароғий, Носириддин Бурҳонидин ўғли Рабғузий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Сулаймон Боқирғоний, Ҳусайний, Амирий, Қозизода Румий, Бобораҳим Машраб ва бошқалар киради.

Шу жумладан, Чор Россияси истилосидан кейин халқимиз камолотини мадҳ этган Муқимий, Фурқат, Аҳмад Дониш, Ҳамза, Юсуф Сарёмий, Ҳазиний кабилар фан ва маданият ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

«Қизил» инқилобдан кейин ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий муносабатларни ўрганишда муайян жонланиш юз берди. Унинг шарпаси туфайли ҳар хил тоифадаги зиёлилар Туркистон мустақиллигини таъминловчи теран фикрлар билан майдонга чиқдилар. Бу жиҳатдан ижодлари Октябрдан олдин бошланган Абдулла Қодирий, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг фаолияти эътиборлидир. Буларга дастлабки даврларда ижод қилишлари учун имкон ҳам яратилди. Афсуски, бундай кўтаринкилик руҳияти узоққа чўзилмади. Натижада халқимизнинг инқилобдан кутган умидлари пучга чиқди. Бундай қабиҳ тартибга қарши ўлароқ мамлакатимизнинг илғор ва мард ўғлонлари ўлимдан ҳам қўрқмай, маърифий-маданий ҳаёт таркиб топишида шижоат кўрсатдилар ва ўлмас мерос қолдирдилар. Уларнинг тақдири Сталин қатағонлиги туфайли қандай фожиа билан туташганлиги ҳаммамизга маълум.

Маориф, олий таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, иқтисодиёт собиқ Иттифоқдаги бошқа республикаларга нисбатан орқарокда қолган бўлса ҳам, уларда эътиборга лойиқ силжишлар юз берди. Бу ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди. Ҳаёт ҳам оқиб турган дарёдек бир-бирига ўхшамаган икки қирғоққа эга. Шунга биноан ҳар бир давр ўз номи билан аталиши жоиз.

Фикримизча, Октябрдан сўнг 30-йилларгача бўлган даврни алоҳида таҳлил этиш зарурки, мазкур даврда республикада маърифий-маданий замин яратилди. Ундан кейинги даврда вақти-вақти билан ҳар хил мақомда уюштирилган сиёсий қизил террорлар ва таъқиблар туфайли маърифатпарвар зиёлиларимизнинг аслларидан жуда кўпдик. Бу жараён жамият ва илм-фан ривожига кескин таъсир этди-ю, лекин уни тўхтата олмади. Шундай вайроналиклар даврида истеъдодли олимлар, шоирлар, адиблар етишиб чиқди ва маърифат байроғини тоталитар тузумнинг қийинчиликларига бардош бериб, мустақиллик майдонига етказиб келишга муяссар бўлдилар.

Бинобарин, минг йиллик жараёнларни холисона таҳлил этишда Ўзбекистон Фанлар академияси, хусусан, ижтимоий-гуманитар институтлари таркиб топгандан кейин чуқур изланишлар олиб борилиб муҳим натижаларга эришилди. Бунга академиянинг марҳум аъзолари: академиклар И. Мўминов, М. Тошмуҳаммедов (Ойбек), Г. Н. Чердынцев, Ғ. Ғулом, Я. Ғуломов, В. Абдуллаев, Ю. Ражабий, В. Зоҳидов, М. Йўлдошев, М. Нурмуҳамедов, К. И. Лапкин, Ҳ. Сулаймонова, мухбир аъзолар: Ҳамид Олимжон, Олим Шарафиддинов, О. М. Аминов, О. Жамолов, О. Эшонов, Р. Набиев, Р. Отақўзиев, (Уйғун), Ю. Султонов, Ҳ. Пўлатов ва бошқа йирик олимларимиз катта ҳисса қўшишган.

Ижтимоий-гуманитар фанларининг тараққиётида академиянинг ҳақиқий ва мухбир аъзолари ҳамда кўп сонли истеъдодли олимларимиз астойдил хизмат қилиб келмоқдалар. Бунда академиклардан К. Н. Нўъмонов (Яшин), К. Е. Житов, С. К. Зиёдуллаев, Г. А. Пугаченкова, Ш. Шоабдурахмонов, С. Камолов, Ш. З. Ўразаев, Э. Ю. Юсупов, М. М. Хайруллаев, А. А. Аскаровларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг тараққиётига файласуф олимлар, академиклар Иброҳим Мўминов яратган илмий мактаби раҳбарлигида жуда катта ҳисса қўшдилар. Улар изланишларида бутун Шарқ, аввало, Марказий Осиё халқларининг фалсафий қарашлари ва ижтимоий тафаккури тарихини, машҳур мутафаккир ва олимларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш муҳим ўринни эгаллади ва бу ҳақда мукаммал китоблар нашр этилди. Бундан ташқари, жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг янги ҳодиса ва йўналишларини умумлаштиришга, миллий мустақилликка, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва миллий ривожланишига, фан-техника тараққиётининг фалсафий жиҳатларига алоҳида эътибор берилмоқда. Маданий мерос ва қадриятларни ўрганиш бўйича йирик тадқиқотлар амалга оширилди.

Иқтисодиёт фани олимлари ишлаб чиқарувчи кучларини ва ишлаб чиқариш муносабатларини яхлит халқ хўжалиги мажмуи шароитида таҳлил этиб, улар ўртасидаги зиддиятларни аниқлаб, унга барҳам бериш йўлларини тавсия этдилар. Марказнинг республикага нисбатан қўллаб-қувватлаш сиёсатини қўлдан бермай жонкуярлик кўрсатиб келинган иқтисодий механизмини, бошқариш методининг мустамлакачилик характерини ва унинг иқтисодий салоҳиятидан мукаммал фойдаланиб, халқнинг яшаш шароитини кўтаришга тўсиқ бўлиб турганлигини асосладилар. Республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг узоққа мўлжалланган дастурининг илмий асосини яратдилар. Республика халқ хўжалиги тизимини ўзгартириш, мулкдан, меҳнат ва хом ашё захираларидан самарали фойдаланиш бўйича фундаментал изланишлар олиб борилиб, аниқ таклифлар киритдилар. Республиканинг хўжалик жиҳатдан энг истиқболли ҳудудлари — Фарғона водийси, Ангрен — Олмалиқ кон саноати тумани, Қуйи Амударё, Бухоро — Навоий ва бошқа ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуиларини барпо этишнинг илмий-амалий жиҳатлари асослаб берилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Орол ҳалокатини ҳал этиш бўйича аниқ таклифлар тавсия этилди.

Бугунги кунда иқтисодчи олимлар олдида республиканинг иқтисодиётини бозор муносабатлари шароитида мукаммал ривожланиши муаммоларини таҳлил этишдек мураккаб вазифалар турибди.

Тарих ва археология фани соҳасида йирик тадқиқотлар олиб борилди. Академик Яҳё Ғуломов раҳбарлигида яратилган тарихчилар Илмий мактаби қатор фундаментал асарларни яратди. Улар орасида Ўзбек халқининг этник тарихига бағишланган илмий изланишлар алоҳида ўрин эгаллайди. Унда ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи жуда қадимий бўлиб, Марказий Осиёнинг ўтроқ ва кўчманчи аҳолисининг минг йиллардан ортиқ ўзаро алоқаларининг маҳсули эканлиги ва бу жараённинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

Ўзбек халқи жаҳоннинг энг қадимий ва воқеаларга бой узоқ ўтмишга эга бўлган, умуминсоний қадриятларга, фан ва маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган халқлардан биридир. Асрлар оша бизга етиб келган улуғ аждодларимиз ёзиб қолдирган минг-минглаб тенги йўқ нодир қўлёзмалар бундан далолат беради. Буларни илмий жиҳатдан таҳлил этишда шарқшунослик соҳасидаги олимларимизнинг ҳиссаси буюкдир.

Академиянинг Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Шарқ халқлари ёзма меросини ўрганиш ва нашр этиш ҳамда хорижий Шарқ халқлари ҳаётига оид муаммоларни тадқиқ этиш бўйича ўзбек шарқшунослигининг ўзига хос мактаблари вужудга келди.

Бугунги кунда мунтазам тарзда ривожланаётган адабиёт, санъат ва фольклор бобидаги фаннинг тарихи Туркистонда ислизлари маърифатпарварлик ва жадидчилик мафкурасига бориб тақаладиган янги адабиётшунослигининг юзага келиши билан боғлиқдир. Навоий номли Адабиёт институтида адабий мерос масалаларини ва адабиёт тарихини ўрганишда жиддий изланишлар амалга оширилди. Ўзбек адабиёти ва фольклори ёдгорликларининг асосий қисми нашр этилди. Булар орасида «Девону луғотит турк», «Бобурнома», Навоий «Хамса»си, 8 жилдлик «Ўзбек адабиёти» хрестоматияси, Навоий асарларининг 20 жилдлиги, 37 китобни ўз ичига олган «Ўзбек халқ ижоди» каби улкан нашрлар бор. Босиб ўтилган йўлга назар ташласак, ўзбек халқ фольклори ва адабиёти меросини, ҳозирги адабий жараён масалаларини ўрганишда муҳим тадқиқотлар олиб борганлигига гувоҳ бўламиз.

Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтининг фаолияти ҳам самарали бўлди. Олимлар қўлёзма манбалар асосида муҳим матншунослик ишларини амалга оширдилар ва нодир қўлёзмаларни нашрга тайёрладилар.

Маълумки, араблар истилосига қадар бу ерда яшовчи халқларнинг мустақил туркруник ёзувлари, суғд ёзуви, эски уйғур ёзувлари мавжуд бўлиб, кейинчалик араб ёзуви томонидан бутунлай сиқиб чиқарилган. Қўлёзмалар институтида бизгача етиб келган ана шу ёдгорликларни ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари бўйича ниҳоятда муҳим тадқиқотларни амалга оширмоқдаларки, бу соҳада кўзга кўринарли натижаларга эришилди.

Тилшунослик соҳасидаги ишларнинг кўлами анча кенг бўлди. Ўзбек тилининг ўтмишдаги ва ҳозирги фонетикаси, лексикологияси ва грамматикаси муаммоларини тадқиқ этиш бўйича бир қатор натижаларга эришилди. Сўнгги йиллар давомида яратилган ўзбек тили тарихи, терминологияси, луғатчилиги, диалектологияси, услубияти, тўғри талаффузи ҳақидаги тадқиқотлар, амалий қўлланмалар ўзбек тилини атрофлича ривожланишини таъминлади. Эндиликда лотин алифбосидаги ёзувга ўтиш муносабати билан тилшунос олимлар олдида бу ёзувнинг имло қоидаларини яратишдек жуда долзарб вазифа турибди.

Ўтган давр ичида академияда, қолаверса, республикамизда ўзбек халқи моддий ва маънавий маданияти ёдгорликларининг йирик масканлари бўлмиш Ўзбекистон тарихий музейи ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейлари юзага келиши билан музейшунослик фани таркиб топди. Бу масканларда ёдгорликларни йиғиш, ўрганиш, илмий тадқиқ ва намойиш қилиш орқали республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига хизмат қиладиган муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Хуллас, йиллар мобайнида олиб борилган илмий тадқиқот ишларига умумий якун қилинса, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида ҳам йирик фундаментал натижаларга эришилганлигига гувоҳ бўламиз.

Юқорида баён қилинган далил ва хулосалар ижтимоий-гуманитар фанлар илмий салоҳияти 50 йил мобайнида ривожланиб, ҳар бир босқичда маънавий-маданий юксалишга, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиб келганлигидан далолат беради. Эндиги асосий вазифа мустақилликни мустаҳкамлаш асосида республикамизнинг жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшишлигини таъминлашдан иборат.

Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти.

ЖАНГИЛИКЛАР БОҚЕАДАР ХАБАРЛАР

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯНГИ АҲАМИЯТИ

● **АЛМАТИ. Бу ерда «Ҳозирги замон халқаро муносабатларида Марказий Осиёнинг янги аҳамияти» деган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуманда Россия, Хитой, Нидерландия, Ҳиндистон, Эрон, АҚШ, Покистон, Туркия, Франция ва Марказий Осиё давлатларининг кўзга кўринган таниқли олимлари ана шу минтақадаги давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини муҳокама қилдилар.

ҲОСИЛНИНГ ЯРМИ ОЛИНГАН

● **БИШКЕК. Бу йилги ғалла ҳосили ўримида 210 минг тонна буғдой ўриб олиб давлат жамғармасига топширилди.**

Йиғиштириб олинган ҳосил бу йил учун белгиланган мўлжалнинг ярмини ташкил этади. Давлат буюртмасини бажариш билан бир қаторда, ғаллакорлар қўшимча юмушларни бажаришга мажбур бўлмоқдалар. Чунки ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти билан боғлиқ танглик турли мушкулликни келтириб чиқармоқда. Бир қатор транспорт корхоналари ва ташкилотлари ҳукуматга зарур чоралар кўриш лозимлиги ҳақида қилган мурожаати натижасиз қолмоқда. Шунга қарамай, бензиннинг нархи кун сайин ошиб бормоқда. Ҳозирда бир литр бензин 7 сом туради. Шундай бўлса ҳам уни топиш жуда мушкул. Бунинг устига ёққан қор деҳқонларга талай юмушлар олиб келди.

ПАХТА БЕБАҲО БОЙЛИК

● **ҲЎЖАНД. Ленинобод вилоятида пахта далаларида 40 минг киши пахта терими билан шуғулланмоқда. Талабалар, хизматчилар ва ишчилар ҳам бу ишга жалб этилган.**

Ёнилғи-мойлаш материаллари етишмаслиги сабабли ҳосил қўлда терилмоқда. Шу сабабли озуқа, мева ҳамда сабзавот экинларининг бир қисми ҳанузгача йиғиштириб олинмаган.

ТЕМИР ЙЎЛ БИРИКАДИ

● **АШГАБАТ. Туркманистон темир йўли бошқармаси очиқ типдаги акционерлик жамиятини тузиш тўғрисидаги мақсадни эълон қилди.**

Жамият янги темир йўл қурилиши ишлари билан шуғулланади. Темир йўл Туркманистон ва Эронни бир-бири билан боғлайди.

МАМЛАКАТЛАР ЭКСПЕРТЛАРИ

● **БИШКЕК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро болалар фонди экспертларининг бу ерга келиши кутилмоқда.**

Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда улар вакцинация ва даволаш масалалари бўйича 2-халқаро семинарни ўтказишади. Унинг ишида Марказий Осиё республикаларининг ҳайъати ҳам қатнашади. Саудия Арабистонининг тараққиёт фонди экспертлари келгусида бу мамлакатга яқиндан ёрдам бериш мақсадида республиканинг иқтисодий лойиҳаларини ўрганиш учун бу ерга келди.

ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

● **АЛМАТИ. Бу ерда ҳамкорликдаги янги пиво заводи ишга туширилиши муносабати билан кўрмана намойиши бўлиб ўтди.**

Корхонани таъсис этган қозоқ ва венгер тижоратчилари пойтахт аҳолисининг ярмини бу ичимликка бўлган эҳтиёжини қондиришга ваъда бердилар.

Павлодар шаҳрида металларни қайта ишлаш заводи қошида электродлар ишлаб чиқарувчи завод фойдаланишга топширилди.

Мамлакатда ягона бўлган бу корхона бир йилда 300 минг тонна электрод ишлаб чиқариш қувватига эга.

МАМЛАКАТ РАҲБАРИНИНГ ТУҒИЛГАН ЖОЙИ

● **АШГАБАТ. Республика бош архив бошқармасининг расмий экспедицияси Ашгабат ёнидаги Қипчоқ қишлоғида ўрганиш ишларини олиб борди.**

Архивчиларнинг бу сафаридан мақсад Туркманбошининг ҳаёти тўғрисида маълумотлар тўплашдир. Маълумки, Қипчоқ қишлоғи Сапармурод Ниёзовнинг туғилган диёри ҳисобланади. Бу қишлоқда яшайдиган унинг қариндош-уруғлари, кекса кишилар билан қилинган суҳбатлар чоғида тўпланган маълумотлар биринчи Президентнинг насл-насабини аниқлаш борасидаги номаларга дастлабки ҳужжатлар бўлиб хизмат қилади.

Маҳаллий «Магарий» нашриёти «Туркманбошининг болалик йиллари» китобини оммавий нусхада чоп этди.

«ДЖЕНЕРАЛ ЭЛЕКТРИК»

● **АШГАБАТ. «Дженерал электрик» мутахассислари Туркманистон иқтисодиётининг жадал ривожланишига ишонч назари билан қарамоқдалар.**

Американинг йирик ана шу компанияси Туркманистон билан доимий ҳамкорлик қилиш режасини тузмоқда. Компаниянинг минтақавий маслаҳатчиси жаноб Эркут Еқўпли бу ерда бўлиб ўтган учрашувларда «Сизнинг мамлакатингиз яқин вақтлар ичида қудратли энергетика давлатига айланишига шубҳа қилмайман», деди. Ҳозирча шу компаниянинг мутахассислари «Туркмандавлатэнергетика»нинг расмий маслаҳатчиси деган мақомни олдилар.

СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИ

● **АЛМАТИ. АҚШ хазиначилари эксперт гуруҳи Қозоғистон учун солиқлар кодекси лойиҳасини ишлаб чиқмоқда.**

Мустақил мутахассисларнинг фикрларига қараганда бу янги лойиҳа бўйича давлат хазинасига келаётган тушумлар миқдори ошади ва адолатли солиқ олиш тартиби жорий этилади. Айни пайтда лойиҳа бўйича маҳаллий органлар ўзларининг солиқларини солишни жорий этишлари тақиқланиши мўлжалланмоқда.

[Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди].

ЖАНГИЛИКЛАР БОҚЕАДАР ХАБАРЛАР

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1993 йил 22 октябрга қадар бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режадагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Жами		Шу жумладан машинада терилган	
	Бир кунда	Мавсум бошидан	Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	1.73	104.55	0.98	22.12
Бухоро	2.26	98.86	0.58	24.38
Қашқадарё	2.66	89.72	2.66	78.12
Сурхондарё	1.53	84.12	0.79	47.23
Қорақалпоғистон Республикаси	1.81	82.43	1.33	56.38
Навоий	2.73	80.52	2.27	44.13
Андижон	2.40	68.74	1.34	23.46
Фарғона	1.90	63.88	0.50	12.82
Тошкент	3.12	56.93	2.86	42.76
Самарқанд	2.25	54.38	1.54	25.90
Наманган	2.52	54.38	1.11	17.22
Жиззах	3.35	51.06	3.50	49.07
Сирдарё	3.48	34.70	3.20	24.88
Республика бўйича:	**2.42**	**71.47**	**1.94**	**38.73**
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1.72	74.14	0.00	0.00
Қашқадарё	4.05	57.02	0.00	0.00
Наманган	0.51	11.09	0.90	0.00
Республика бўйича:	**2.24**	**69.59**	**0.00**	**0.00**

ҚУТЛАЙМИЗ!



Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси бюросининг қарорига биноан «Туркистон» газетаси бош муҳаррирлигига тайинланди.

Ғаффор Ҳотамов 1953 йил Бухоро (ҳозирги Навоий) вилоятининг Навбаҳор туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини дастлаб «Ленин учқуни» газетаси таҳририятида бошлаган. «Тошкент оқшоми», «Совет Ўзбекистони» газеталари таҳририятларида ишлаган.

1986 йилдан «Ёшлик» журнали бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, 1992 йил апрелидан эса бош муҳаррир бўлган. Қатор насрий тўпламлар муаллифидир.

ЖОНБОЗЛИК

Республикамиз ҳукуматининг пахта харид нархини ошириш ҳамда йиллик режани бажарган хўжаликларга фойданинг маълум қисмини ва режадан ортиғининг ҳаммасини бериш тўғрисидаги қарорлари деҳқонларимиз кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Толмас билак бободеҳқонларимиз эрта кўкламданоқ ишни пухта бажаришга киришган эдилар. Пахталар қийғос очилганда эса бутун қишлоғимизда ялпи сафарбарлик эълон қилинди.

Ҳадеб об-ҳаво инжиқликларидан нолийвериш ҳам яраймайди. Бироқ, табиатга қараб иш тутиш, ҳар бир вазифани ўз вақтида уддалаш тадбиркор деҳқоннинг иши, деб биламиз. Заршуносларимиз фурсатни қўлдан бермай жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Н. Амонов, М. Эсонов, С. Шодиев, З. Шукуров сингари моҳир механизаторлар, М. Мавлонова, С. Ражабова, Ф. Равшанова, Х. Рустамова сингари чевар теримчилар чинакам енг шимариб меҳнат қилдилар. Бригадамиз тумандагина эмас, балки вилоятимизда ҳам биринчилар қатори йиллик режани ортиғи билан уддаладилар. Ҳар гектар ердан 47 центнердан ҳосил олишга эришилди.

Далаларимизда ҳали ҳосилнинг чўғи баланд. Биз мамлакатимизнинг ҳам юксак хирмонига муносиб улуш қўшиш мақсадида бор имкониятларимизни ишга соламиз. Насиб этса, йиллик режани 150 фоиз қилиб бажарамиз.

О. ҲАМРОЕВ,
Ғиждувон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи.







СУРАТЛАРДА:

1. Бухоро туманидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Нигора Шарипова шу кунга қадар 10 тоннадан зиёд пахта териб берди.

2. Қирқ центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишаётган Жондор тумани Абу Али ибн Сино номли жамоа хўжалигидаги Розиқ Омонов бошлиқ бригада илғорларига пул ва бошқа эсдалик совғалари берилаётган пайт;

3. Вилоятда биринчи бўлиб режани уддалаган Олот туманидаги Файзулла Хўжаев номли хўжаликнинг Жўрақул Бозорон етакчилик қилаётган бригада азаматлари қолган пахтани ҳам имкон қадар сифатли теришга интилмоқдалар.

Ҳайдарали ҚУРБОНОВ олган суратлар.

МУҲАДДИСЛАР АМИРИ



ҲАДИСДАН

Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ — ас-Саҳиҳ» ва «Ал-Адаб ал-Муфрад» асарларидан

Мусулмон кишининг ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразлаб, гина сақлаб, гаплашмай ва сўрашмай юриши мумкин эмасдур. Улардан қай бири биринчи бўлиб саломлашса, ўшанинси яхшироғидир.

Бир киши жаноби Пайғамбардан: «Исломда қайси иш афзалроқ ҳисобланади!»— деб сўради. Жавоб бердилар: «Очларга таом, танишу нотаниш ларга салом бериш лик».



Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардибза ал-Бухорий ҳижратнинг бир юз тўқсон тўртинчи йили шаввол ойидан ўн уч кун ўтганда жумъа намозидан кейин (мелодий ҳисоб билан 809 йил 13 майда) Бухорода таваллуд топди. Отаси шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, савдо ишлари билан ҳам шуғулланар эди.

Имом ал-Бухорий ёшлик чоғидаёқ отасидан ажрайди ва онаси қўлида тарбия топади. Ўн ёшиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёдлашга қунт билан киришади. Кейин у бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Саллом ал-Пайкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфийлар ҳузурига бориб, улардан кўп ҳадисларни ёд олди. 16 ёшида онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отланди. Сафар асносида у қайси шаҳардан ўтса, ўша ердаги ҳадис олимларидан озми-кўпми дарс олмай ўтмасди. Шу тариқа Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хомс, Дамашқ, Фаластин, Макка ва Мадина каби кўплаб шаҳарлардаги машҳур ҳадис олимларидан шу илм асрорларини урганди.

Имом ал-Бухорий ўта истеъдодли, зийрак, муҳофазаси кучли, қўли очиқ ва хайр-саховатли киши бўлганлигидан отаси шайх Исмоилдан қолган мерос молларидан катта қисмини фақиру мискинлар ва толиби илмлар эҳтиёжига сарф этарди. Имомнинг хотираси шу қадар кучли эдики, юз минг саҳиҳ ва икки юз минг ғайри саҳиҳ ҳадисни ёд билар эди. Унинг шогирдларидан Амр ибн Фаллос: «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта ишончли ҳадис эмасдур», — деган. Устозларидан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий «Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас», деганди. Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан Ҳошид ибн Исмоил айтади: «Имом ал-Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларини биз ёзиб олар эдик, аммо у фақат қулоқ солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз ал-Бухорийга: «Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?! — деб таъна қилган вақтимизда: «Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман», — деди-да, устоз ривоят қилган ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик», — дейди.

Баъзи ривоятларга кўра, Имом ал-Бухорий 16 ёшга қадам қўйганида Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий ва Вакиъ ибн ал-Жарроҳларнинг китобларини батамом ёдлаб олган экан. У ёд олган ҳадисларнинг матнини барча далиллари ва ровийларнинг таржимаи ҳоллари билан бирга қўшиб ёд оларди.

Имом ал-Бухорий ҳадислар тўплаш, уларни ёзиш ва кўплаб толиби илмларга ўргатиш ишлари билан Макка, Мадина, Дамашқ, Қайсария, Хомс, Бағдод, Кўфа, Восит, Балх, Нишопур, Асқалон, Марв каби шаҳарларда бир неча йил умр кечирди. Йигирма ёшидан бошлаб китоб таълиф эта бошлаган. Унинг шоҳ асари «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» («Ишончли тўплам»)дан ташқари йигирмага яқин китоблари бўлиб, афсуски кўплари бизгача етиб келмаган.

Имом ал-Бухорийнинг Нишопурдан асил ватани — Бухорога қайтиб келаётганини эшитган уламолар, ватандошлар, қариндош-уруғлар ўз хурсандчилик ва мамнунликларини изҳор этиш учун бир неча кунлик йўлга, унинг истиқболига чиқишиб, катта тантаналар билан кутиб оладилар.

Бухорога келгач, у бирмунча вақт толиби илмларга ҳадис илмидан дарс беради. Шу аснода Имом ал-Бухорийга Аббосийя халифалигининг Бухородаги амири Холид ибн Аҳмад ибн Холид аз-Зуҳалий: «Бундан буён амирлик саройига келиб туринг ва болаларимга «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»дан дарс беринг!» деб нома юборади. Имом бу таклифни қабул қилмайди ва: «Мен илмни хорлаб султону амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини уйимга ёки масжидимга юборсун», — деб жавоб қайтаради.

Шунинг натижасида ва у зотнинг фазлини кўраолмаган баъзи ҳасадгўй шахсларнинг фитна ва иғволари туфайли амир аз-Зуҳалий Имом ал-Бухорийнинг она юрти — Бухорони тарк этиши ҳақида фармон беради. Бу воқеадан хабар топган Самарқанд олимлари Имомнинг Самарқандга кўчиб келишини илтимос қиладилар. Имом бу илтимосни қабул қилиб, йўққа чиқади. Лекин Самарқандга 18 чақирим етмай Хартанг қишлоғида ҳозирги Пайариқ тумани ҳудудида)ги қариндошларидан Абу Мансур Ғолиб ибн Жибрил деган кишининг уйига тушиб, бир неча кун шу ерда бетоб бўлиб ётиб қолади. Имом ал-Бухорий самарқандликларнинг иккинчи илтимосларига биноан, бетоблигига қарамай яна йўлга чиқади. Аммо бироз йўл босиш билан: «Дардим оғирлашди, мени отдан туширинглар», — дейди-да отдан тушиб шу ерга ёнбошлаб, жон таслим қилади. Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, шу Хартангда дафн қилинади. Шунда Имом Бухорийнинг умри ўн уч куни кам олтмиш иккида эди. Ватандошимиз ва барча ҳадис аҳлларининг сардори Имом ал-Бухорий ўзининг шоҳ асари, тўрт жилдлик «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» номли китобида аҳлоқ ва одобга доир ҳадисларни бир бобда жамлаган. Сўнгра у каттароқ ҳажмдаги «Ал-Адаб ал-Муфрад» («Адаб дурдоналари») номли махсус ҳадислар тўпламини таълиф қилади. Бу асарда бир минг уч юз йигирма иккита ҳадис ва хабарлар 644 бобда жам қилинган.

Умрининг охирида айтган ҳадисларидан бирида Муҳаммад пайғамбар: «Мен сизлар учун икки нарса: Қуръони карим билан ўзимнинг суннатим — йўл-йўриқларимни қолдирдим. Агар сизлар шу иккаласини қаттиқ ушлаб, уларга амал қилсаларингиз, асло тўғри йўлдан адашмайсизлар», — деган. Яна: «Баъзан ҳадисларимни шахсан эшитганларга нисбатан (бошқалар орқали) етказилган кишилар онглироқ ва уларни хотирасида яхши сақловчироқ бўладилар», — деб кўрсатган.


Ислом оламида ҳадис илмининг нақадар улуғ ва мўътабар эканлигига юқорида келтирилган шу икки ҳадиснинг ўзи ҳам етарли далил бўла олади. Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, саҳобалар ва тобеъинлар даврида кишининг ҳурмати ва даражасининг юқори бўлишлиги унинг ёдлаган, маъносини ўзлаштирган Қуръон оятлари ва ҳадисларининг сони билан ўлчанарди. Шунинг учун ҳам аксар муҳаддислар (ҳадисшунослар) кимда ва қаерда ўзларига номаълум ёки ноаниқ бўлган бирор ҳадис борлигини эшитиб қолсалар, ҳар қанча машаққатли бўлса ҳамки, ўша ҳадисни биладиган киши ҳузурига бориб, уни билиб олишга ҳаракат қилар эдилар. Қуръон ва ҳадисларни ёд олган ўткир муҳофазали кишилар сони йиллар ўтган сайин камайиб бораётгани сабабли уларни келгуси авлодлар учун ёзиб қолдириш зарурлигини сездилар. Халифа Умар ибн Абдулазиз фармонига асосан Абдулмалик ибн Абдулазиз Журайж, Имом Молик ибн Анас, Ар-Рабиъ ибн Субайҳ каби бир қанча кишилар ҳадисларни жамлаб, ёзишга қўл урдилар. Ҳижрий сананинг III асри бошларида Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Нишопурийлар ўзларининг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» китобларини ёздилар ва ҳадисларни биринчи марта боб ва жузъларга ажратиб чиқдилар. Кейин бу икки олимга эргашиб, Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Имом Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ас-Сижистоний, Имом Аҳмад ибн Шуайб ан-Насоий, Имом ибн Можжа ал-Қазвиний ва Имом ад-Дорамий ас-Самарқандийлар «ас-Саҳиҳ» ёки «ас-Сунан» номи билан асарлар ёздилар. Кейинги давр уламолари бу устозлар яшаб ижод этган ҳижрий III асрни ҳадис илмини тадқиқ этишнинг «олтин даври» деб ҳисоблайдилар.

Бугун биз фахр билан айтамизки, юқорида номларн зикр этилган алломалар Моваройнаҳр ва Хуросоннинг, учалалари эса айнан мустақил Ўзбекистонимизнинг Бухоро, Термиз ва Самарқанд фарзандларидир.

Имом Бухорий йигирма ёшларидан бошлаб китоб ёза бошлаганлар. Жумҳуриятимиз китоб хазиналарида у зотнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ», «Ал-Адаб ал-Муфрад», «Ат-Тарих ал-Кабир», «Ат-тариху-с-салғир», «Ал-Қироату халфа-л-имом», «Рафъул-йадайни фи-с-салоти» каби асарларнинг қаламий нусхалари мавжуд. Булардан ташқари Имом Бухорий қаламига мансуб «Ат-Тарих ал-Авсат», «Ат-Тафсир ал-Кабир», «Ал-Жомеъ ал-Кабир», «Китобул-ҳиба» каби катта-кичик ҳажмлардаги йигирмадан ортиқ китоблар ёзилганлиги тарихий манбалардан маълум.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, зийрак, муҳофазалари ўткир олим эдилар. Ривоят қилишларича, қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутолаа қилсалар, ҳаммаси ёдларида қолаверади. Бухорийнинг ўз сўзларига кўра, у зот юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билар эканлар. Бу ҳақда Имом Бухорийнинг ўзлари: «Мен бир минг саксон муҳаддисдан ҳадис эшитдим. Уларнинг ҳаммалари «Иймон сўз ва амал бирлигидан иборатдир» деган эътиқоддаги кишилар эдилар», — деб ёзган эди

Саҳифани Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, халқаро Ибн Сино мукофотининг соҳиби Шамсуддинхон БОБОХОНОВ тайёрлаган.



Ислом динини ўрганиш Оксфорд маркази шу йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан тузилган битимга мувофиқ Самарқанддаги Имом Бухорий масжидини қайтадан тиклаш ва Ҳадислар ўрганиш марказини қуриш учун халқаро лойиҳа танлови эълон қилганди. Яқинда эксперт комиссияси бешта лойиҳани ажратиб олди. Кейинги босқичда улардан энг яхшиси танлаб олинади.

СУРАТДА: танлов ҳақидаги эълон қоғози.



Утган йили Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистонига сафар қилган ва у муқаддас заминдан олиб келинган Каъбапўшни Самарқанд вилояти Челак туманидаги Хўжа Исмоил Бухорий масжидига ҳадя этгандилар.

СУРАТДА: табаррук ҳадя топширилаётган пайт.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАДИСДАН

Расулуллоҳдан: «Исломда қайси амал афзал ҳисобланади!» — деб сўрадилар, «Тилидан ҳам, қўлидан ҳам бошқа мусулмонларга зарар етмайдиган амал — амалларнинг афзалидир», — деб жавоб бердилар.

Ўзи яхши кўрадиган нарсасини ўзгаларга ҳам раво кўрмагунча, киши мўмини комил бўла олмайди.

БЕНАЗИР МАНБА

ҲАДИСДАН

Икки мусулмон қўлларига қилич олган ҳолда тўқнашиб, бири иккинчисини ўлдирса, қотил ҳам, мақтул ҳам дўзахга маҳкумдурлар. Шунда Расулуллоҳдан: «Биринчисику қотиллик қилди, аммо иккинчисининг айби нима?» — деб сўрадилар.

Расулуллоҳ: «Чунки у ҳам биродарини ўлдиришга қасд қилган эди», — деб жавоб бердилар.

Шу йилнинг 23—24 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг қарори ва Англиядаги Оксфорд университети Исломшунослик марказининг иштироки билан Самарқанд шаҳрида ҳадис илмининг пешвоси, дунё муҳаддисларининг имоми, улуғ юртдошимиз Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Имом Бухорий ҳаёти ва даври» мавзуидаги халқаро илмий анжуман ўтказилади. Анжуман кунлари Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Оксфорд Исломшунослик маркази билан биргаликда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини қайта тиклаш бўйича энг яхши лойиҳалар танлови ҳам бўлиб ўтади.

Халқимиз асрлар давомида Имом Бухорий асарларида қайд қилинган саҳиҳ ҳадислардан баҳраманд бўлиб келган. Аммо кейинги 70 йилдан зиёд вақт ичида жамиятимиз тарбияси учун ниҳоятда зарур бўлган бу бебаҳо сарчашмалардан кенг жамоатчилик оммаси бебаҳра қолган эди. Даҳрийлик сиёсати ҳукм сурган ўша давр тушунмовчилик ва қийинчиликларига қарамасдан бу буюк аллома таваллудларининг 1200 йиллиги дини арбоблар доирасида «Имом Бухорий ва ҳозирги замон» шиори остида нишонланган. Табиийки, илгарилари Ислом динининг йирик намояндаларига бағишланган илмий анжуман ўтказиш осон бўлмаган. Эндиликда мустақиллигимиз шарофати ўлароқ, халқимизни қадриятларимиз, илмий, маънавий ва маданий меросимиздан баҳраманд этиш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Президентимиз И. Каримов қарори билан Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи яна қайта тиклаш бўйича махсус комиссия тузилгани ва бу комиссия кенг кўламда ишлар олиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Айниқса, Президентимизнинг Саудия Арабистонига қилган сафарлари ва у муқаддас ерлардан олиб келинган каъбапўшни айнан Имом Бухорий мавзолейига ҳадя этганликлари ўта оқилона ишдир.

Бугун биз Имом Бухорийдек улуғ бир зотнинг илмий меросини чуқурроқ ўрганиш учун халқаро анжуман ўтказар эканмиз, бундан 20 йил муқаддам бўлиб ўтган катта юбилей тантаналарини хотирамизга олишни табиий ва ўринли бир ҳол, деб биламиз.

Мазкур анжуман Самарқандда 1974 йил 20—23 август кунлари бўлиб ўтган эди. Юбилей тантаналарини ўтказиш қўмитасининг раиси, марҳум муфти Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари анжуманни очар эканлар, улуғ муҳаддис Имом Бухорий таваллудларининг 1200 йиллиги муносабати ила ўтказилаётган анжуман тайёргарлиги жараёнида қилинган кўп йиллик саъй-ҳаракатларни муваффақиятга эришгани учун Аллоҳ Таолога ҳолисона шукрлар ва ҳамду-санолар айтдилар.

Бу анжуман ишида Ўрта Осиё ва Қозоғистон, собиқ ССРнинг Ovрўпо қисми ва Сибирь, Шимолий Кавказ ва Кавказорти мусулмонлари диний бошқармаларининг раҳбар ходимлари, шунингдек, Совет Иттифоқидаги 100 дан зиёд масжидларнинг имом хатиблари иштирок этдилар.

Хорижий давлатлардан Миср Араб Республикаси, Бангладеш, Индонезия, Сомали, Ливия, Танзания, Иордания, Афғонистон, Того, Ироқ, Чад, Судан, Нигерия, Марокко, Тунис, Покистон, Қувайт, Шри Ланка, Яман Араб Республикаси, Булғория, Ливан, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Сенегал вакиллари қатнашдилар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳамда СССР мусулмонлари диний ташкилотлари Халқаро бўлимининг раиси, бутун дунё масжидлари Олий Кенгаши ва Жаҳон тинчлик қўмитасининг аъзоси, муфти Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари бош маъруза билан чиқдилар. Унда муфти ҳазратлари Имом Бухорийнинг ҳаёт йўллари, насаблари, илмга чанқоқликлари, маърифат доираларининг нақадар кенглиги, хотираларининг ўта кучлилиги, ёзган асарлари, «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» номи ила машҳур китобларининг Қуръони Каримдан кейинги иккинчи китоб деб эътироф этилиш тарихи, пайғамбаримиз суннатларининг ҳомийси эканликлари, Ислом оламидаги катта хизматлари ва бошқа муҳим маълумотларни баён этдилар.

Конференция иши давомида кўпгина нутқлар тингланди. Илмий ишлар ҳақида ахборотлар берилди. Конференция Ислом биродарлиги ҳамкорлиги, турли давлатлар вакилларининг бу анжуман мавзуи ҳақидаги фикрларининг комил бирлиги руҳида ўтди.

Сўзга чиққан барча вакиллар Бухорода таваллуд топиб, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида вафот этган, ўзининг бутун ҳаётини жаноб пайғамбаримизнинг Ҳадиси шарифларини жамлашга бағишлаган Имом Бухорийнинг катта хизматларини барча давр уламолари муносиб тақдирлаганликлари ва бу муҳтарам зотнинг ҳадис илмида беназир имом эканликлари ҳақида гапирдилар. Буларнинг ҳаммаси мусулмонликнинг асослари саналмиш Қуръони Карим ва суннати набавия таълимотлари асосида муҳокама қилинди. Барча нотиқлар комил масъулият билан таъкидладиларки, Ислом дини таълимотларининг асосий ғоялари яхшилик ва сидқидиллик йўлида ҳамкорликка, мўътамин-мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлашга, инсоният фаровонлиги йўлида тинмай меҳнат қилишга, ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун курашга даъват қилади, қон тўкишни эса қоралайди. Нотиқлар бу олий умуминсоний ғояларни исбот этувчи кўплаб ҳадиси шарифлардан намуналар келтирдилар.

Конференция иштирокчилари фан ва техника шиддам қадамлар билан ўсаётган бир даврда Ислом дини ва мусулмонларнинг мавқелари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар юритдилар. Улар **«Илм эгаллаш ҳар бир мусулмон учун фарздир»** деган ҳадис асосида мусулмонларни илм таҳсил қилиш ва фан тараққиётида фаол иштирок этишга чақирдилар. Ўз ватанларининг издиҳори, гуллаб-яшнаши учун ғайрат билан ҳалол меҳнат қилишга даъват қилувчи кўплаб ояти карималар ва ҳадиси шарифларни баён этдилар.

Анжуман қатнашчилари мусулмонларнинг ўз ватанлари иқтисодини тараққий эттиришда пешқадамлардан бўлишлари зарурлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Халқлар ўртасида ҳусни тафаҳум, дунёда тинчлик ва хотиржамликни таъмин этиш, ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантириш масалалари ҳам анжуман иш жадвалидан ўрин олди. Меҳмонлар турли давлат вакилларининг яқинлашувида Имом Бухорий юбилейларининг аҳамияти катта бўлганлигини зўр мамнуният билан қайд этдилар. Улар дунё мусулмонлари ўрталаридаги самимий алоқаларни бундан кейин ҳам ривожлантириш ва кенгайтиришни, Самарқандда бўлгани каби янги анжуманлар ўтказиб туришликни якдиллик билан маъқулладилар.

Анжуман қатнашчилари 1974 йил 20 август куни қисқача баён қилиб, жумладан, шундай дедилар: «Бугун биз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратларининг мавлидларини нишонлаётган бир вақтда Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадиси шарифлари ғояларига ўзимизнинг самимий содиқлигимизни таъкидлаймиз, Умид қиламизки, Имом Бухорийга бағишланган бу тантаналар жаноби пайғамбаримиз ҳадиси шарифлари ғояларини бундан буён ҳам дунё мусулмонлари ўртасида оммалаштиришда янги қадам бўлиб хизмат қилади».

Чет эллардан келган меҳмонлар ушбу анжуман ишига катта баҳо бердилар. Марокашлик олим, жамоат ва давлат арбоби доктор Абдул Ҳодий ат-Тозий қуйидагиларни айтди: «Имом Бухорий Шарқни Ғарб билан боғловчи энг муҳими бўғинлардан биридир. Мусулмонларнинг бирлашувига ёрдам берган бу шахс ҳақиқатан ҳам олий эҳтиромга муносибдир. Турли Ислом давлатларининг бу ерда ҳозир бўлиб турган вакиллари бу фикрга қўшиладилар».

Маккан Мукаррамадаги Дунё Ислом иттифоқи мудирининг муовини, шайх Муҳаммад Сафват ас-Сиқо Аминий шу ўтган уч кун давомида олган таассуротлари ҳақида гапириб, бу анжуман қадим билан ҳозирни бирбирига боғловчи халқа сифатида тарих саҳифасига киради ва бу мулоқот мусулмон халқлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги даври бўлади, деб умид билдирди.

Миср мусулмон ёшлари иттифоқининг бош котиби, доктор Иброҳим ат-Таҳовий жаноблари шундай мулоҳаза юритдилар. «Имом Бухорий ҳазратлари ўз китоблари «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»ни мусулмонлар тафаккури учун ойнадек тиниқ манба, барча авлодлар учун ҳақиқий илм ўчоғи, зулм ва адоватнинг турли шаклларига қарши халқлар ўртасида дўстлик ва тенг ҳуқуқлилик учун, адолат учун курашнинг инсонпарвар манбаи қилиб қолдирдилар».

Агар Имом Бухорийнинг ҳаёт йўлларига назар ташласак, — дейди Индонезиянинг Гамби шаҳридаги давлат шариат факультети декани шайх Муҳаммад Бофадл, — бу муҳтарам зотнинг моддий дунё билан руҳий дунё ўртасидаги мувофиқлик ва уйғунликка катта эҳтимом берганликларига қойил қоламиз.. Жанобнинг бу фазилатларини кўрган мусулмонлар эса, доимо ҳамкорликда ва тўғри фикрда бўлишларига ишончимиз комил бўлади».

Ливан бош муфтийси, шайх Ҳасан Холид ўз нутқларида, жумладан: «Имом Бухорий ривоятлари билан жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам) дейдилар, «Мўминлар бир-бирини маҳкам суяб турувчи бир бинонинг устунларига ўхшайдилар». Яна бошқа бир ҳадисда айтибдурларки: «Мўминлар бир-бирларига раҳм-шафқатда, дўстлашувда, ҳамкорликда бир бутун танага ўхшайдилар, чунки тананинг бирор аъзоси оғриса қолган аъзолари ҳам унга қўшилиб оғрийди. Кишилар ўртасида тенглик ва адолат ҳам шу қоидаларга асосланган» — дедилар.

Дарҳақиқат, бир ҳадиси шарифда келтирилишича, ажамдан арабнинг, арабдан ажамнинг, қизил танлининг оқ танлидан, оқ танлининг қизил танлидан афзаллиги йўқдир. Улардан қайси бири тақводорроқ бўлса, афзаллик ўшандандир. Ислом дини инсон обрўсини сақловчи негизларни Аллоҳ таолога иймон билан исботлаб, инсонпарварлик ғоялари ва кишилар ўртасида адолат учун курашга даъват қилади. Инсонпарварлик негизлари кўп. Энг муҳимлари: эркинлик, адолат, кишилар ўртасидаги тенглик ва ҳамкорлик. Буларнинг ҳаммаси Ислом дини кафиллик берган, Қуръони Каримда зикр этилган, ҳадиси шариф ва суннати набавийя тасдиқлаган негизлардир.

Мисрдаги «Ал-Азҳар» Ислом университетининг вакили, доктор Муҳаммад Абдураҳмон ал-Бисор жаноблари ушбу фикрларни ўртага ташладилар: «Имом Бухорий ҳазратлари бундан 12 аср муқаддам яшабгина қолмасдан, ўзларининг илм-техника тараққиётига ёрдам беришга тайёр эканликларини исботлаб, ўз даврларидан анчагина олдинга ўтиб кетдилар ва бу билан Иолом дини ҳамма давр ва замонга мос ва лойиқ дин эканлигини исбот қилдилар». Бинобарин, у тараққиёт руҳига қарши турмайди. Адолат, ҳақиқат, яхшилик каби низомларни белгилаб берган инсоният жамияти тараққиётига монелик қилмайди. Агар инсоният тараққиётига ёрдам берувчи шахс инсоният табиатига муносиб бўлган қонунларга ва Ислом динида кўрсатилган инсонпарварлик асосларига амал қилмаса, кучли билан заиф ўртасида, яхшилик билан ёмонлик ўртасида инсоният учун хавф туғдирувчи кураш давом этаверади. Агар ҳозирги замон илмий техника тараққиёти инсон ахлоқининг олий ғоялари билан қуролланмаса, у бошқарувсиз машина каби ҳаракат қилиб,, ўз йўлидаги нарсаларнинг ҳаммасини барбод этади.

Сомали Олий маҳкамаси раисининг ноиби Ҳасан Абдулло Фориҳ, Чад жумҳурияти бош имоми Саид Мусо Иброҳим, Панжоб вилояти муфтийси ва Лаҳордаги «Шоҳ» масжиди имоми, шайх Абдулқодир Озод, Покистон Ислом уламолари иттифоқининг раиси ва Қорилар иттифоқининг бош котиби Мавлоно Зоҳир Қосимий, Ҳиндистондаги «Бурҳон» журнали мудири Саид Аҳмад Акбарободий ва бошқалар бу улуғ анжуман ишида иштирок этганларидан беҳад хурсанд ва мамнун эканликларини ва Имом Бухорийнинг Ислом оламига қилган катта хизматларини таъкидладилар.

Анжуман қатнашчилари шарафига ўтказилган турли маросим ва зиёфатлардан сўнг, чет эллардан келган меҳмонлар бир қанча гуруҳларга бўлинишиб, Уфа, Қозон, Тошкент, Олма-Ота, Боку, Ленинград, Москва шаҳарларидаги мусулмонлар ҳаёти ва диққатга сазовор ёдгорликлар билан бевосита танишдилар. Мазкур сафар самимий руҳда, дўстлик ва биродарлик вазиятида ўтди.

Ишончимиз комилки, диёримизда Имом Бухорийга бағишлаб ўтказилаётган бу иккинчи халқаро анжуман ҳам юртимиз фуқаролари, кенг халқ оммаси ва хусусан, ёш авлодни инсонийлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Буюк Имом Бухорий ижодига қайтиш, унинг ёрдусидан халқимизни баҳраманд этиш, айниқса, ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

АҲЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ДУРДОНАСИ

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан ҳамма замону-замонлар, барча авлодлар ўзлари учун ҳам руҳий, ҳам маънавий озуқа олиб келмоқдалар. Ислом оламининг машҳур муҳаддислари ва уламолари у зотни ҳадис илмининг пешвоси—имоми, «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» номли ишончли ҳадислар тўплами бўлмиш машҳур китобларини эса аҳамияти жиҳатидан Қуръони Каримдан кейинги иккинчи диний манба, деб эътироф қилганлар.

Маълумки, ҳадисларни сақлаш аввалда фақат ёдлаб олиш орқалигина бўларди. Чунки Қуръони Карим оятлари нозил бўлиб турган даврда унинг ўта балоғатли услубидан бехабар баъзи кишилар ва араб бўлмаган халқлар ҳадисларни Қуръон оятларидан деб шубҳа қилишларини назарда тутиб, Расулуллоҳ ҳадисларни ёзмасликка ва фақат Қуръони каримнинг ўзинигина ёзиб боришликка буюрган эдилар.

Ҳижрий сананинг III асри бошларидагина Имом Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий ан-Найсабурийлар ўзларининг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» китобларини ёздилар ва ҳадисларни биринчи марта боб ва жузъларга ажратиб чиқдилар. Кейин бу икки олимга эргашиб, Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Имом Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ас-Сижистоний, Имом Аҳмад ибн Шуайб ан-Насоий, Имом ибн Можжа ал-Қазвиний ва Имом ад-Дорамий ас-Самарқандийлар «ас-Саҳиҳ» ёки «ас-Сунан» номи билан асарлар ёздилар. Кейинги давр уламолари бу устозлар яшаб ижод этган ҳижрий III асрни ҳадис илмини тадқиқ этишнинг «олтин даври» деб ҳисоблайдилар.

Бугун биз фахр билан айтамизки, юқорида номларн зикр этилган алломалар Моваройнаҳр ва Хуросоннинг, учалалари эса айнан мустақил Ўзбекистонимизнинг Бухоро, Термиз ва Самарқанд фарзандларидир.

Имом Бухорий йигирма ёшларидан бошлаб китоб ёза бошлаганлар. Жумҳуриятимиз китоб хазиналарида у зотнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ», «Ал-Адаб ал-Муфрад», «Ат-Тарих ал-Кабир», «Ат-тариху-с-салғир», «Ал-Қироату халфа-л-имом», «Рафъул-йадайни фи-с-салоти» каби асарларнинг қаламий нусхалари мавжуд. Булардан ташқари Имом Бухорий қаламига мансуб «Ат-Тарих ал-Авсат», «Ат-Тафсир ал-Кабир», «Ал-Жомеъ ал-Кабир», «Китобул-ҳиба» каби катта-кичик ҳажмлардаги йигирмадан ортиқ китоблар ёзилганлиги тарихий манбалардан маълум.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, зийрак, муҳофазалари ўткир олим эдилар. Ривоят қилишларича, қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутолаа қилсалар, ҳаммаси ёдларида қолаверади. Бухорийнинг ўз сўзларига кўра, у зот юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билар эканлар. Бу ҳақда Имом Бухорийнинг ўзлари: «Мен бир минг саксон муҳаддисдан ҳадис эшитдим. Уларнинг ҳаммалари «Иймон сўз ва амал бирлигидан иборатдир» деган эътиқоддаги кишилар эдилар», — деб ёзган эди

Саҳифани Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, халқаро Ибн Сино мукофотининг соҳиби Шамсуддинхон БОБОХОНОВ тайёрлаган.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

ОСИЁ БОЗОРИ

№ 40

1993 йил 23 октябрь

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• *ИШБИЛАРМОНЛАР ҲУЗУРИДА*

ЎКТАМ АКАНИНГ «САФАРИ»

ҚАШҚАДАРЁГА куз кечроқ келади. Қаршига ундан ҳам кечроқ. Лекин бу йил... Баҳор баҳорга ўхшамади. Ёз ёзга. Кузни эса кўриб турибсиз. Кунлар гоҳ исийди, гоҳ совийди. Ўктам аканинг суяги савдода қотган. Лекин унинг учун бугунги об-ҳавонинг иссиқ-совуғи аҳамиятсиз деганлар адашади. Шул боис гапни бекорга кузсан бошламадикда. Чунки...

Ёзнинг қизиган кунлари у кишини сўроқлаб Қаршига бордик. «Ишонч» савдо ишлаб чиқариш фирмаси ҳақида кўп илиқ гапларни эшитгандик. Вагон уйчада учрашиб, шу уйчанинг ўзидан хайрлашдик. Ўктам ака рўйхуш бермади. «Кейин гаплашсак, нима дейсизлар? Куз келсин...» деди хайрлашаётиб. Кўндик. На илож? Зоримиз бор, зўримиз йўқ-да, ўзимиз истаб боргандик. Қилинган ишларни кўриб, билиб, аввалига бизда ҳам хавотир уйғонди. Шунча катта ташвишларни битта одам қандай бажаряпти экан, деб ўйладик. Ишонгимиз келмади-да.

Ўтган ҳафта Қаршига яна сим қоқдик. «Ўктам ака, куз бошланиб кетди. Ваъдалашувдик», дея эслатдик. У киши энди сал самимийроқ оҳангда «Келаверинглар-чи, бизнинг ёқларда ҳали дарахтларда барглар турибди. Сарғайиб қолди-ю, тўкилмаяпти. Шундаям майли. Бу ёғи куз ҳисоби-да» деб қўйди.



ЎКТАМ ТУРСУНОВ ҲАҚИДА ИККИ КАЛИМА СЎЗ:

Барваста, бардам ва бақувват одам. Ҳаётнинг кўп қизиқ-қизиқ ўйинларини кўрган. Самарқанд савдо олий билим юртини битирган. Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясида ҳам икки йил ўқиб келган. Кўп йиллар Қашқадарё вилояти савдо бошқармасини бошқарган. Узбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими. Меҳнат фахрийси. Шаҳар, вилоят советларига нобликка сайланган. Тадбиркор ва ишбилармон. Савдонинг тегирмони қаёққа қараб айланишини яхши биладн.

Аёли София опа билан 6 фарзанд (3 ўғил, 3 қиз)нинг тарбиясига бозга етказдилар. 8 нафар невараси бор. Ёши элликка олтига бораяпти. Қашқадарёда савдо-тижорат соҳасининг ...


«Сафари» Узбекистон—Булғория қўшма корхонасининг Бош директори...

Ўктам аканинг гавдаси катта-ю, лекин катта гапирмайди. Босиқ, мулоҳазали. Савол берсангиз узоқ ўйланиб туради. Биз бўлсак билиб-билмай ҳар хил саволларни бераверамиз. Узи тузатиб қўяди. Бирдан хатомизни тушуниб қижолат тортамиз. У киши «Билмайсиз-да» деган сўзни ишлатишни яхши кўрадилар. Бундоқ ўйлаб кўрсак, ҳақиқатан ҳам кўп нарсаларни билмас эканмиз. Нега дейсизми? Унда гапни эшитинг:

Ўктам Турсунов ташкил этган «Ишонч» савдо ишлаб чиқариш фирмаси ҳақида аввалига ҳар хил гап-сўзлар тарқалгани ҳам рост. Чунки 1992 йилнинг бошида фаолият кўрсата бошлаган кичкинагина фирма қисқа муддат орасида неча юз миллионлаб сўмлик ҳар хил турдаги маҳсулотларни аллақаёқлардан олиб келиб сотса-ю, гапиришмасинми? Гапиришаверди. Гоҳо айрим маҳкамалар шубҳаларга бориб «Ишонч»ни тафтиш ҳам қилиб кўришди. Ҳеч нарса чиқмади. Ҳамма ҳужжатлар жойида. Фирромлик йўқ. Яна фаолият давом этаверди. Энди биргина Қашқадарёнинг турли туманларидан эмас, балки у ёғи Сурхону Самарқанд тарафлардан ҳам «Ишонч»ни сўроқлаб келадиганлар кўпайди. Чунки узоққа бориб овора бўлишмайди. Шундоқ ёнгиналарида исталган ноёб маҳсулотлар тайёр турган бўлса. Нархини келишишади, шартнома имзолашади, тамом, олиб кетаверишади. Ортиқча даҳмаза бўлмайди.

Ҳозир Узбекистонда бундай фирма ва корхоналар шади. Неъматжон Ашуров, Асрор Исмоилов, Шоди Қурбонов, Исмат Ғаффоров, Аскар Бафоев, Рустам Жўраев, Ихтиёр Кенжаев, қайси бирини санайин, ҳаммаси меҳнаткаш, ҳалол. Бир сўзли, бир-бирига ишонади. Елкадош. Кўюнчак, савдо-тижоратнинг ҳадисини олишган. Мана бу сенинг ишинг, сен қил, меники бошқа, деган гап бизда йўқ. Ҳаммамиз тенгмиз.

Бизларни руҳлантирган нарса Президентимизнинг қатор ...



ҚАДАМ ҚУТЛУҒ БЎЛСА...

ҳисоби йўқ. Ишлаб ётибди. Шу ерда мулоҳаза қилсан киши: «Хўш, гап «Ишонч» ҳақида кетаётган экан, унинг афзаллик томонлари, бошқа фирмалардан устунлиги қаерда экан, деган савол туғилади. Бунга Ўктам аканинг ўзи жавоб беради:

— **«Ишончсиз оёққа турғазгунча қанча заҳматлар чекдим. Қанча асаббузарликлар бўлди. Бугун бир жойдан иккинчи бир жойга мол, маҳсулот олиб келишдан азоб ишйўқ. Лекин шу керак! Бозорда кўп. Аммо нархи қиммат. Одамларнинг чўнтаги кўтармайди. Бир-икки сўм арзон бўлсаям биз олиб келмасак бўлмайди. Узимизнинг автобус, машиналаримиз, ҳатто тракторларимизгача бор. Қаёққа деса кетамиз. Йигитларимиз ишнинг кўзини бил-**

нинг назарига тушди. Энди бемалол Ўктам ака кўксини очиб нафас олса арзигулик ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг ўзида фирма жамоаси салкам икки миллиард сўмлик озиқ-овқат ва турли саноат моллари олиб келди. Булғориянинг Варна шаҳри томонидан Москвада ташкил этилган «Доганов и КО» фирмаси билан тузилган шартномага кўра вилоятга 2000 тонна темир қувурлар олиб келинди. Шунингдек, бевосита ана шу фирма воситачилигида келтирилган қанчалаб ёғоч ва ҳар хил қурилиш материалларини айтмайсиз. Қарши шаҳрида қуриб ишга туширилган йирик спорт саройи, маъмурий бино қурилиши, болалар кийим-кечаклари тайёрлайдиган цехнинг барпо этилаётгани, эҳ-ҳе яна қанчадан-қанча савобли ишлар. Санайверсак адоғи йўқ. Унда «Сафари» ҳақида нима деймиз?

Ўктам акадан «нега қўшма корхонанинг номини «Сафари» деб номладингиз» дея сўрадик. У киши босиқлик билан «кўплар гоҳ ҳайрат, гоҳ шубҳа ила шу саволни беришди. Мен ҳеч иккиланмай айтдим. Бу кичкина корхона эмас, «Ишонч», «Доганов и КО», «Фарз ЛТД» (Тошкент) учта йирик фирма ҳамкорликда туздик. Бу жуда катта сафарнинг бошланиши. Яхши ниятда шундай номладик. Бу қутлуғ ва оғир сафаримиз бехатар бўлсин деб қўйдик-да! Шу йилнинг августида фаолиятимизни бошладик. Республика Молия вазирлигидан июнь ойида рўйхатдан ўтдик. Мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги корхонамизга ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси, деган гувоҳнома ҳам топширди. Бу жуда катта масъулият».

«Сафари» катта йўлга энди чиқаяпти. Ҳали бу ўнқир-чўнқир, пасту баланд довонларнинг заҳматлари кўп. Барибир бир умид бизга таскин берди. У ҳам бўлса катта йўлнинг бошида Ўктам Турсуновнинг турғани. Қолаверса, яқиндагина у киши Бухорода сафарда бўлиб, фермерлар билан учрашганларида тадбиркорликнинг муаммолари ҳақида анча куйиниб гапирдилар. Ҳар гал раҳбарлардан аввало талабчанлик ва ҳалоллик, кейин эл-юрт фаровонлиги йўлида заҳмат чекиб ишлаётганларни қўллаб-қувватлаш кераклигини қайта-қайта айтаяпти. Президент бекорга куйинаётганм йўқ. Чунки ҳалиям жойларда тўсқинликлар кўп. Айтаверсам дардим очилади. Шу гина-кудуратлар шартмикан деб гоҳо ўйлаб қоламан. Бўлмаса менга шунча ташвиш-азоблар зарурмиди! Уйда нафақамни олиб ётсам ҳам болаларим боқарди. Чидолмадим. Қўлимдан иш келса, саводим бўлса, бу соҳани оғир-енгилини билсам, нима қилмам ётиб дедим-да, иш бошладим.

Мана ҳозирги кунда Қашқадарёда «Ишонч» ўз ўрнини топди, тилга тушди. Халқнинг оғир-енгилига шерик бўлаяпти. Мақсад—ниятларимиз холис. Шу эл-юртга хизмат қилиш. Келинглар, «Ишонч»ни кўп мақтаб юбормайин. Нега десангизлар «Сафари»дагилар тағин мендан дилгир бўлишмасин...

Дарвоқе, «Ишонч» ҳақида Ўктам ака бекорга гоҳ сўю-ниб, гоҳ куйиниб гапирмадилар. Суюнганлари майли. Куйинганлари ҳаммаси ўтди-кетди. Азоблар ортда қолди. Гарчи бугун куз бўлса-да «Ишонч» дарахти гуллаётир. Қисқа фурсат ичида эл-улус-нинг ҳисоби йўқ. Ишлаб ётибди. Шу ерда мулоҳаза қилсан киши: «Хўш, гап «Ишонч» ҳақида кетаётган экан, унинг афзаллик томонлари, бошқа фирмалардан устунлиги қаерда экан, деган савол туғилади. Бунга Ўктам аканинг ўзи жавоб беради:

— **«Ишончсиз оёққа турғазгунча қанча заҳматлар чекдим. Қанча асаббузарликлар бўлди. Бугун бир жойдан иккинчи бир жойга мол, маҳсулот олиб келишдан азоб ишйўқ. Лекин шу керак! Бозорда кўп. Аммо нархи қиммат. Одамларнинг чўнтаги кўтармайди. Бир-икки сўм арзон бўлсаям биз олиб келмасак бўлмайди. Узимизнинг автобус, машиналаримиз, ҳатто тракторларимизгача бор. Қаёққа деса кетамиз. Йигитларимиз ишнинг кўзини бил-**

нинг назарига тушди. Энди бемалол Ўктам ака кўксини очиб нафас олса арзигулик ишлар амалга оширилди. Шу йилнинг ўзида фирма жамоаси салкам икки миллиард сўмлик озиқ-овқат ва турли саноат моллари олиб келди. Булғориянинг Варна шаҳри томонидан Москвада ташкил этилган «Доганов и КО» фирмаси билан тузилган шартномага кўра вилоятга 2000 тонна темир қувурлар олиб келинди. Шунингдек, бевосита ана шу фирма воситачилигида келтирилган қанчалаб ёғоч ва ҳар хил қурилиш материалларини айтмайсиз. Қарши шаҳрида қуриб ишга туширилган йирик спорт саройи, маъмурий бино қурилиши, болалар кийим-кечаклари тайёрлайдиган цехнинг барпо этилаётгани, эҳ-ҳе яна қанчадан-қанча савобли ишлар. Санайверсак адоғи йўқ. Унда «Сафари» ҳақида нима деймиз?

Ўктам акадан «нега қўшма корхонанинг номини «Сафари» деб номладингиз» дея сўрадик. У киши босиқлик билан «кўплар гоҳ ҳайрат, гоҳ шубҳа ила шу саволни беришди. Мен ҳеч иккиланмай айтдим. Бу кичкина корхона эмас, «Ишонч», «Доганов и КО», «Фарз ЛТД» (Тошкент) учта йирик фирма ҳамкорликда туздик. Бу жуда катта сафарнинг бошланиши. Яхши ниятда шундай номладик. Бу қутлуғ ва оғир сафаримиз бехатар бўлсин деб қўйдик-да! Шу йилнинг августида фаолиятимизни бошладик. Республика Молия вазирлигидан июнь ойида рўйхатдан ўтдик. Мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги корхонамизга ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси, деган гувоҳнома ҳам топширди. Бу жуда катта масъулият».

«Сафари» катта йўлга энди чиқаяпти. Ҳали бу ўнқир-чўнқир, пасту баланд довонларнинг заҳматлари кўп. Барибир бир умид бизга таскин берди. У ҳам бўлса катта йўлнинг бошида Ўктам Турсуновнинг турғани. Қолаверса, яқиндагина у киши Бухорода сафарда бўлиб, фермерлар билан учрашганларида тадбиркорликнинг муаммолари ҳақида анча куйиниб гапирдилар. Ҳар гал раҳбарлардан аввало талабчанлик ва ҳалоллик, кейин эл-юрт фаровонлиги йўлида заҳмат чекиб ишлаётганларни қўллаб-қувватлаш кераклигини қайта-қайта айтаяпти. Президент бекорга куйинаётганм йўқ. Чунки ҳалиям жойларда тўсқинликлар кўп. Айтаверсам дардим очилади. Шу гина-кудуратлар шартмикан деб гоҳо ўйлаб қоламан. Бўлмаса менга шунча ташвиш-азоблар зарурмиди! Уйда нафақамни олиб ётсам ҳам болаларим боқарди. Чидолмадим. Қўлимдан иш келса, саводим бўлса, бу соҳани оғир-енгилини билсам, нима қилмам ётиб дедим-да, иш бошладим.

Мана ҳозирги кунда Қашқадарёда «Ишонч» ўз ўрнини топди, тилга тушди. Халқнинг оғир-енгилига шерик бўлаяпти. Мақсад—ниятларимиз холис. Шу эл-юртга хизмат қилиш. Келинглар, «Ишонч»ни кўп мақтаб юбормайин. Нега десангизлар «Сафари»дагилар тағин мендан дилгир бўлишмасин...

Дарвоқе, «Ишонч» ҳақида Ўктам ака бекорга гоҳ сўю-ниб, гоҳ куйиниб гапирмадилар. Суюнганлари майли. Куйинганлари ҳаммаси ўтди-кетди. Азоблар ортда қолди. Гарчи бугун куз бўлса-да «Ишонч» дарахти гуллаётир. Қисқа фурсат ичида эл-улус-

ба орттиришган. Узоқни кўзлашяпти. Ҳар хил техник ускуналар олиб келиш ҳаракатида юришибди. Тошкентдаги «Фарз ЛТД» фирмасидагилар ҳам қараб туришгани йўқ. Ўктам ака билан бамаслаҳат ишлашяпти. Кечагина ўзаро маслаҳатлашиб олишибди. Иш режаларини бир-бир кўздан кечирамиз: яқин орада улар йирик чорвачилик комплексн қуриб ишга туширмоқчи. Натижада катта ва майда моллар боқилиб, гўшт етиштирилса, Қашқадарё аҳолисини нисбатан арзонроқ гўшт билан таъминлаш имкони туғилади. Шунингдек, балиқ етиштириш учун ҳам сув ҳавзаси қуриш кўзда тутиляпти. Қарши тумани ҳудудидан шартнома асосида 35 гектар ер олиниб, юқоридаги қутлуғ ниятларни амалга ошириш режалаштирилган.

Бундан ташқари корхона жамоаси томонидан вилоятда алкоголсиз ичимликлар (пепси, кола, коко кола ва бошқалар) ва пиво, ун маҳсулотлари, макарон, ёғ, пишлоқ, сариёқ ҳамда мевачеваларни қадоқлайдиган цехлар очиш, кўн-терига қайтадан ишлов бериш, гилам ва поёндозлар ишлаб чиқариш фабрикаларини ишга тушириш устида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, «Сафари» ҳар хил халқ истеъмоли моллари, мебель, енгил машиналар, мўзлатгичлар, қурилиш материаллари таъминоти ва савдосини уюштиришни ҳам мўлжаллаяпти. Агар ана шу хайрли тадбирлар амалга ошса, битта Қашқадарё вилояти аҳолиси эмас, балки қўшни вилоятларда яшаётганлар ҳам «Сафари»нинг холис хизматидан бахраманд бўладилар.

Булар яқин орада амалга ошириладиган катта вазифалар. Биз ўзимизча Ўктам акага сездирмай ана шуларни хомчўт қилиб кўрдик. Ақлимиз бовар қилмади. Миллионларни қўяверинг, ҳаражатлар миллиардлардан ошар экан. Ёқа ушладик. У киши бўлса вазминлик билан «пешонамизга ёзган бўлса ҳаммаси амалга ошади. Ҳеч нарсага ...



ҚАШҚАДАРЁГА куз кечикиб келаётир. Шу жумладан Қаршига ҳам. Лекин бу куз анча баракалига ўхшайди. Бир ёқда пахта хирмонлари юксаляпти. Одамларнинг юзларида қувончни кўряпмиз. Бир ёқда эса элим, халқим деб куйиниб юрган Ўктам акага ўхшаган жонкуяр, ишнинг кўзини биладиган инсонлар кузнинг сарҳисобини олишяпти. Бу ёғи қиш яқин.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

Пойтахтга қайтаётган эдик. Самарқанддан келган мизож (харидор)лар билан таништириб қолдик. «Сафари»дан моллар олишаётган экан. Уларнинг орасида ёши 50 ларга етиб-етмаган барваста киши ярим чин, ярим ҳазил оҳангда шундай деди: Агар Ўктам Турсуновичдай бир-иккита фидойи одамларга катта йўлларни кенгроқ очиб қўйишса борми, бемалол йирик бир вилоятни турли маҳсулотлар билан тўлдириб ташлар эди. Омборларни кўриб ҳайрон қолдик. Бизнинг вилоят омборларида бунча миқдорда маҳсулотлар йўқ. Уларни қўллаш, қувватлаш керак...»

Ўктам ака мақтовни хуш кўрмайди. Вагон уйчасидан гоҳо қаттиқ-қаттиқ овоз эшитилади. Қаёқлардадир сим қоқиб, корхонаси томонидан жўнатилган машиналарнинг йўлга чиққанчиқмаганини сурштиради. Божхона раҳбарлари билан қизишиб ҳам олади. Сўнгра вилоят катталари билан маслаҳат қилади. Уз жамоаси томонидан қуриб берилаётган Қаршидаги Катта Дарвозада олиб борилаётган ишларини сурштиради. Ташвишлари кўп. «Фалон жойга мана бунча маҳсулот жўнатиш керак», десалар индамай қўяди. Жаҳли чиқмайди. Гапириш осон-да. Ўзини босади. Аламига босиб-босиб «95» дан симиради.

Ҳа, Ўктам ака ана шундай одам. Босиқ, мулоҳазали...

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

КЎНГЛИ ТЎҚНИНГ ИШИ УНУМЛИ



Халқимизда «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасму», деган гап кўпдан буён юради. Эҳтимол айримлар эътироз билдириб, шундай иқтисодий танглик даврида савобга не ҳожат, нақддан гапиринглар, дер. Аммо мен бунга қўшилмайман. Қийинчилик бир кун ўтади, кетади. Аммо дуо олган одам доим халқнинг савобига қолади. Ҳеч қачон ютқазмайди. Акс ҳолда Тошкент ёғ-мой комбинати директори Бахтиёр Қодиров ҳозиргидек шуҳратга эришмаган бўларди.

Дарвоқе, буни шуҳрат дейиш мумкин бўлса. Негаки, унинг олдинги иши ҳам ҳозиргисидан қолишмасди. «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати» давлат концернида ёғ-мой саноати бошқармасини бошқаради. 1992 йилнинг 16 октябрида Тошкент ёғ-мой комбинатида навбатдаги раҳбар ўзгардию, жамоани бошқаришга Бахтиёр Турғуновичдан бўлак муносиб номзод топилмади.

У комбинатни оёққа тургазиш, эскириб қолган иш механизмларини янгилаш ва шу йўл билан корхона шуҳратини ошириш мақсадида бир ярим минг кишилик жамоага раҳбар бўлиб келди. Янги етакчига ўзининг олдиндан синаган бошқариш усуллари қўл келди. У интизомни хуш кўрарди. Унга амал қилмаган билан чиқиша олмасди. Интизомсизлик, ишга масъулиятсизликни жамоага ҳурматсизлик деб биларди. Иш бошлаган кунидан кўп ўтмай комбинатга кираверишда пайдо бўлган ёзув ҳам янги директорнинг феълатворини белгилади. Унга «Сўз боши — салом, иш боши — интизом» деб ёзиб қўйилган эди.

Ишни бошқаришдаги янгича ёндошувлар Бахтиёр Қодировга қўл келди. Иқтисодий жиҳатдан анча оқсаб қолган, моддий қийинчиликлар ишчиларнинг кайфиятига ноҳуш таъсир этаётган бир пайтда унинг сазй-ҳаракатларини кўпчилик илиқ қарши олди. Ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлиги ошаётган ишчилар ҳам, хизматчилар ҳам ғайрат билан ижодий изланиб ишлайдиган бўлдилар. Тез орада кўпчилик ўртасида «Ўзимизбоп йигит экан, барака топсин Бахтиёржон. У иш бошладию, ишимизга ҳам, рўзғоримизга ҳам барака кирди» деган гаплар оралаб қолди. Бу фикрларда жон бор эди. Ҳозир комбинатдаги ўртача иш ҳақи 49 минг сўмни ташкил этаяпти. Яхши ишлаб, ўзини кўрсатганлар бундан икки-уч баравар ортиқ маош олишмоқда. Яна ойлик мукофотлар, ёрдам пули дегандек, маъмуриятдан кўрсатилаётган мадад жамоа меҳнатчиларининг кор-ҳолига яраяпти. Узоққа бормаймиз, шу йилнинг август ойида комбинатда ўртача даромад ҳар бир киши ҳисобига 82 минг 342 сўмни ташкил этган. Яқинда эса ҳар бир ишчи-хизматчига қишга рўзғорини бутлаш учун маошидан ташқари 50 минг сўмдан картошка пули берилган. Ваҳолонки, ҳали бундай имконнятга унчамунча корхоналар қодир эмас!

Ўтган бир йил ичида комбинатда кескин ўзгаришлар рўй берди. Энг аввало, теварак-атроф ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди. Ҳовлига экилган яшил ниҳоллар, анвойи гуллар одамнинг баҳри-дилини очади. Бора-бора орасталик, саранжом-саришталик иш жойларига, цехларга ҳам кўчди. Биноларнинг томлари, сув, канализация шохобчалари таъмирланиб, қулай ишлашга мослаштирилди. Эскирган, ўз ҳизмат муддатини ўтаб бўлган ускуналар ўрнини замонавий анжомлар эгаллади.

• *Тадбиркорлик — давр талаби*

Комбинатда иш шароитини яхшилаш ва шу йўл билан ишчи-хизматчиларга қулай имкониятлар яратиш ҳали ҳам давом этмоқда. Яқинда Американинг «Гассен интерпрайзис», «Краун Айрон уерис» компаниялари бунга ҳайрихоҳлик билдиришди. Уларнинг кўмаги билан яқин ойлар ичида келтириладиган чет эл замонавий дастгоҳлари экстракцион цехга ўрнатилади. Бу билан цехнинг имкониятлари янада ошади. Маҳсулот сифати тубдан яхшиланади.

Бундай ҳамкорликка келажакни ўйлаган, ўз ишининг эртанги истиқболига чексиз умид боғлаган кишигина тик бора олади. Ваҳолонки, шундай хатти-ҳаракатлари билан Бахтиёр Қодиров республикамиз Президентининг назарига тушган. Унинг Малайзиядан Пальма ёғи олиб келиш ҳаракатида юрганлигини шу йилнинг 27 июлида республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда мисол тариқасида айтиб ўтган эдилар. Ишбилармонликни ўзининг ҳаракат мезонига айлантирган директор ниятига эришди. Жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатига Пальма ёғи етказиб бераётган Малайзиядан яқинда Тошкентга 3 минг тонна ана шундай витаминга бой маҳсулот келтирилди. Бу ишга комбинат маргарин цехининг бошлиғи Абдулла Олимов, «Интералоқа» фирмаси вакили Санджон Жалилов бош қўшдилар. Малайзиянинг қимматбаҳо Пальма ёғи омухта қилиниб тайёрланган янги тўрт хил маҳсулот ҳадемай савдо шохобчаларига чиқарилади. Дастурхонларимизга файз киритади. Янгиликка ўч жамоа бу йил яна узум ёғи аралаштирилган 3200 тонна «Дилафрўз» маргарини, сут зардобидан тайёрланган 2800 тонна «Саломатлик» маргарини, 2000 тонна «Нилуфар» ва «Наврўз» маргаринларини ҳам ишлаб чиқарди. Пахта ёғи билан ловия ёғи қўшиб тайёрланган янги маҳсулот юзага келди.

Айтаверсак гап кўп. Олдинда эса муҳим синов — қиличини яланғочлаб қиш турибди. Унга бирлашмада олдиндан етарли тараддуд кўрилди. Иш жойлари капитал таъмирланди. Бунинг учун маҳсус режа ишлаб чиқилиб, унинг қатъий амалга оширилиши пухта назорат қилинди. Эндиликда комбинат кузги-қишки мавсумга тўла шай этиб қўйилган. Энди бу ерда яна одатдагидек қизғин иш маромн бошланади. Унинг ҳар бир куни жамоа учун ўзига хос байрам тусини олади. Нега дейсизми? У ҳолда эшитинг: ҳар куни эрталабданоқ комбинат эшиги олдида корхона раҳбарлари ишчи-хизматчиларни қўлларини кўксига қўйиб кутиб олишади. Эҳтимол бу кўпчиликка эриш туюлар, аммо комбинатдагилар одатланиб қолишган. Шундай пайтда кўпчилик дуога қўл очиб, юртга тинчлик, осойишталик, ишга унум тилайди. Ишида унуми борнинг эса эртасидан кўнгли тўқ бўлади. Кўнгли тўқнинг эса юрти доим тинч.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: комбинат директори Б. Қодиров, комбинат маҳсулотларидан намуналар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

БОЗОР ҲАҚИДА ҲИКМАТЛАР

● Бозор — ҳамманинг уйи.

● Дийдаси қаттиқ сотувчилар — бозор ҳуснини бузувчилар.

● Бозорда қийишиб савдолашиш зиқналикка кирмайди,

Савдолашмасдан олишлик «ҳаром»га киради.

● Бозор ҳам катта театр, Театрдан баҳраманд бўлмоқ керак.

● Бозор кўрган, бозор билган — бозорга қараб иш юритади.

● Меҳр билан бозор қилсанг — уйинг баракали бўлади!

● Қимматга сотма!
Меҳр ҳам асал — тотиб қол!

● Мол-дунё, деб маданият, тил ахлоқ-одобни йўқотиш — ҳар кимнинг ўз халқига ҳурматсизлигидир.

● Қизиқ! Ҳаридор арзон олсам дейди,

Сотувчи қимматига сотсам дейди,

Икковларининг ҳам вақтлари йўқ.

Бу бозордан тезроқ кетсам дейди.

● Қийишиб олган харидор сарфига ачинмайди.

Сотувчининг қийишганига ачинади!

● Авлод-аждодлар нинг ҳаётий тажрибалари шуни кўрсатадики, бозорларнинг, хусусан Шарқ бозорларининг шарқона аломатлари фазилатидир! Бу файзу фазилат келажак авлодларга мерос бўлиб бизлардан ҳам қолмоғи даркор.

Фарғона вилояти улгуржи чакана савдо ишлаб чиқариш бирлашмасига тегишли 077202, 077204, 077217 рақамли чеклари БЕКОР ҚИЛИНАДИ

* * *

«Ўзбекистон савдо уйи»нинг Марғилондаги 57-филиали муҳри ва штампи БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МУАССИСЛАР: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ОСИЁ БОЗОРИ» ГАЗЕТАЛАРИ ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАРИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

